


Дастурий таъминот: Илмий тадқиқотлар аҳамияти

Мамлакатда мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ахборот жамиятини шакллантириш жараёнини амалга ошириш, ахборот технологияларини самарали жорий этиш ва фойдаланишни талаб этади.



2-бет

Сўнгги янгилик!

1 ноябр куни Лондонда интернет хавфсизлиги бўйича йирик халқаро анжуман иш бошлади. Унда дунёнинг 60га яқин мамлакати ва 17та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишмоқда. Анжуманда интернетни ташқи хавф ва жиноятдан ҳимоя қилган ҳолда ундан иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойда куриш йўллари муҳокама қилиняпти. Шунингдек, кибержиноятчиликка қарши курашиш, интернетдан фойдаланиш услубини такомиллаштириш юзасидан фикрлар алмашилмоқда.

Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон келтирган маълумотга кўра, Буюк Британия кибержиноятчиликка қарши курашиш учун ҳар йили 43 млрд. доллар сарфлайди. Жаҳон миқёсидаги зарар эса 1 трлн. доллардан ошади.

Ушбу сонда:

- | | | |
|---|--|-----|
| ■ | Ҳаётга ҳамнафаслик | 3 |
| ■ | Бунёдкор ёшлар-2011:
Самарали яқун, малака ва тажриба | 4-5 |
| ■ | Выпущена новая почтовая марка | 6 |
| ■ | Дунёдаги илк интернет-ярмарка | 11 |
| ■ | Мулозимнинг тадбири | 16 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига 20 йил" эъдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Наманган вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Тадбирда Президентимизнинг янги китоби мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ўрганиш бўйича тарғибот тадбирларини изчил йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йил 27 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида келгуси йилда мамлакатни ривожлантиришнинг бир қатор энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатлари: 2012 йилга асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Пойтахтимизда "Art Week Style.UZ-2011" санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилган VI Халқаро Ташкент замонавий санъат биеннаlesi якунига етди. Мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадний академия ҳамкорлигида ташкил этилди.

Токиода "JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011" деб номланган халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 144 мамлакатидан 700дан зиёд компания ва ташкилот қатнашган мазкур кўргазмада юртимиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этди.

Дастурий таъминот: Илмий тадқиқотлар аҳамияти

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари, шу жумладан жамият ҳаётига ахборот технологияларини жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, унинг бир неча баробар ўсишига имкон яратди. Барча турдаги ахборот ресурслари: дастурий маҳсулотлар, маълумотлар банки ва базаси, ахборотлаштириш жараёнида ишлаб чиқарилган бошқа товарлар ахборот технологияларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Инсоният тараққиёт ютуқларидан, янги технологиялар ва тайёр маҳсулотлардан бу янгиликлар қандай дунёга келганини ўйлаб ўтирмасдан фойдаланишга кўниккан. Бу маҳсулотлардан биз фойдаланишимиз учун дастурчилар қанчалик узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтганини доим ҳам ўйлайвермаймиз. Ахир мазкур йўналишлардаги машаққатли изланишларнинг пойдевори илмий тадқиқотлар ҳисобланади. Замонавий технологиялар айнан унинг асосида қурилади. Шунинг учун ҳам ахборотлаштириш даражаси ривожланган давлатлар, юқори технологиялар соҳасидаги замонавий ишлаб чиқарувчи гигантлар илмий ва амалий тадқиқотларга катта эътибор қаратади. Бисотида кучли илмий жамоа ва лабораторияга эгалари бу тадқиқотларга ҳар йили миллиардлар доллар маблағ сарфлайди ва юзлаб, минглаб патентларни қўлга киритади.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва миллий бозорини ривожлантириш бўйича қатор чоралар кўриломоқда. Жумладан, мазкур соҳанинг норматив-ҳуқуқий базаси, молиявий-иқтисодий, ташкилий, кадрлар ва бошқа жиҳатларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, мазкур йўналиш бўйича илмий-техник салоҳиятни шакллантириш муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Хорижий ривожланган мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, исталган мамлакатнинг асосий бойлиги — илмий-техник ва интеллектуал салоҳиятдан иборат. Бугунги кунда дунё мамлакатларида иқтисодиётни тараққий топтириш йўлида интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятнинг бирлаштирилиши тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси дастурий маҳсулотлар саноатини ривожлантириш учун етарли даражада малакали илмий-техник ва технологик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Маҳаллий дастурий маҳсулотлар саноати учун, шуни таъкидлаш лозимки, мазкур сегментнинг ўзида ҳосил малакали мутахассисларга катта талаб борлиги билан фарқланади. Давлат ва хусусий тармоқларнинг ушбу вазифани ечишга катта эътибор бераётганига қарамай, бу муаммо Ўзбекистонда алоҳида долзарблик касб этганича қолмоқда.

Дастурий таъминот соҳасида мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Мисол учун, бир неча университетларда ушбу йўналишда бакалавр ва магистрлар-

ни тайёрлашга қаратилган кафедралар фаолият олиб бормоқда. Бироқ, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўналишида илмий-амалий тадқиқотлар ҳажми ва даражаси ресурслардан етарли даражада фойдаланилмаётганини кўрсатади. Шу сабабли дастурий маҳсулотлар бозорини муваффақиятли ривожлантириш учун, биринчи навбатда, илмий-техник ва технологик-ишлаб чиқариш секторлари ривожлантирилишига қаратилган қулай шароитлар ва самарали механизмни яратиш, шунингдек, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий қилишни ривожлантириш йўналишига молиявий институтларни жалб қилиш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, илмий-техник лойиҳалар, дастурий маҳсулотлар йўналишидаги инновацион тақлифлардан самарали фойдаланиш ва амалиётга жорий қилишни

ва қатор талабларга жавоб берувчи дастурлар пакети. Маҳаллий компаниялар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар тартиби ишлаб чиқариш ва ташкилий фаолиятнинг асосий сегментларини ўзида қамраб олган. Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тегишли қўйидаги дастурлардан кенг фойдаланилмоқда: электрон ҳужжат айланиши, электрон тўловлар ва банк тизимларини автоматлаштириш дастурлари, бухгалтерлик ҳисобини автоматлаштириш, норматив-ҳуқуқий маълумотлар базаси дастурлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот-кутубхона ишини автоматлаштириш бўйича дастурий воситалар ва ҳоказо.

Бироқ бугунги кунда бозорнинг тўлиқ қамраб олинмаган катта сегменти ҳам мавжуд. У ўзида бошқарув объекти (SCADA) ҳақида ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тавдалантириш ва архивлаштириш бўйича мураккаб дастурий-техник мажмуани, йирик корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ бошқариш бўйича автоматлаштирилган мажмуа, дастурий ва микродастурий таъминот тизимини ишлаб чиқариш, мажмуавий-мўлжалли микродастурий таъминот, геоахборот тизимлари, ахборот хизматини юқори даражада таъминлашнинг аппарат ва дастурий таъминоти ва бошқаларни қамраб олган. Мазкур турдаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш узоқ муддатли, асосланган ва ишончли тадқиқотларни талаб этади. Чунки бу ҳолатда мазкур дастурлар билан ишлашда кутилмаган хатолар хавфи ошиб кетади. Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқотларнинг муҳим жиҳатлари шундаки, бу жараёнда ўрганиш, тажриба ўтказиш, назарияни синовдан ўтказиш имкони юзга келади. Амалий илмий тадқиқотлар — аниқ вазифаларни ечиш ва мақсадли натижаларга эришиш учун янги билимларни қўллашга йўналтирилган тадқиқотлардир.

Шу сабабли ахборот технологиялари ва дастурий таъминот йўналишида самарали илмий ва инновацион тадқиқотларни амалга оширувчи, иқтисодиётнинг реал секторидеги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг аниқ буюртмаларидан келиб чиқиб дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий комплекслар ишлаб чиқариш бўйича техник вазифа ва шартларни биргалликда ечиш, иқтисодиётнинг реал секторидеги ишлаб чиқарувчи корхоналарда дастурий маҳсулотларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда етакчи хорижий технологияларни татбиқ этиш ва фойдаланиш, маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш ҳамда келгусида дастурий маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида махсус ташкилот тузиш самарали қадам бўлган бўларди.

Ўз мухбиримиз

**Ҳар кимга
илмий ва
техникавий
ижод эркин-
лиги, мада-
ният ютуқларидан фой-
даланиш ҳуқуқи кафо-
латланади.
Давлат жамиятнинг
маданий, илмий ва
техникавий ривожлани-
шига ғамхўрлик қилади.**

Ўзбекистон Республика-
сининг Конституцияси,
IX боб, 42-модда.

таъминлаш, бевосита дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи махсус тадқиқот, илмий-техник марказларни шакллантириш лозим.

Ҳукуматимиз томонидан дастурий маҳсулотлар соҳасида инновацион ишланмаларни жорий қилишни тартибга солиш йўналиши кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил, 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан ҳар йили мунтазам равишда мамлакатимизда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказилиб келинади.

Ўтказилаётган ярмаркаларда маҳаллий дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларга кенг эътибор қаратилади.

Мамлакатда қабул қилинган терминологияга кўра, дастурий маҳсулот — фойдаланувчиларга сотиш ёки ишлаш учун беришга мўлжалланган

Ҳаётга ҳамнафаслик

"UZINFOCOM" маркази ўтказган танлов натижасига кўра Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги компютерлаштириш маркази "2011 йилги энг яхши компютерлаштириш маркази" деб топилди. Жамоа бу муваффақиятга кейинги йиллардаги изланишлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги амалий ишлари эвазига эришди.



Таъкидлаш керак, Вилоят компютерлаштириш марказида соҳа билимдонлари хизмат қилишмоқда. Умаржон Хушвақтов уларнинг бири. У тоғли Бойсун туманининг Даштиғоз қишлоғида воёга етган. Тошкент ахборот технологиялари университетини тугаллагач, мустақил меҳнат фаолиятини шу марказда бошлади. Ёш мутахассиснинг касбий маҳорати белгилаб олинган тадбирларни тезлаштиришда қўл келмоқда.

Тўғри, у ишга келгунга қадар Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг "Surxondaryo.uz" ва "Surxon.gov.uz" сайтлари очилган ҳамда "Ғалла" дастури амал олган эди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада қозони тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашдек муҳим жараёнда Умаржоннинг ўрни яққол билиниб турмоқда.

Маълумки, қарорда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш туфайли қозғозбозлик ва расмиятчиликни бартараф этиш вазифаси кўндаланг қўйилган эди. Мақсалга эришиш учун зудлик билан "E-hujjat" тизимини йўлга қўйиш тақозо этилиб турган бир чоғда Умаржон Хушвақтов сингари иқтидорли ва зеҳли ходимларга эҳтиёж сезилгани сир эмас. Эътиборлиси, билдирилган ишонч сидқидилдан оқланди. Қарийб бир йил бўлмоқдаки, вилоятда электрон ҳужжат алмашиниши амалда. Утган қисқа муддат мобайнида вилоят ҳокимлиги қатори қирқдан зиёд давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари янгилик афзалликларидан тўла баҳраманд этилган.

— Яқин вақтга қадар меъёрий ҳужжатлар тегишли жойларга қозғозга нусхаланган ҳолда етказилар эди, — дейди Умаржон Хушвақтов амалдаги жараёнга муносабат билдирар

экан. — Олайлик, ўша ҳужжат саксон варақдан иборат. Уни кўпайтириш учун қанча миқдорда қозғоз кетишини тасаввур қилиш қийин эмас. Қолаверса, курьерлик хизмати харажати қўшимча бўлади. Энди эса бундай ортиқча сарф-харажатлар ва ташвишларга асло ҳожат йўқ. Биз қабул қилинган қарор ижросини ҳар томонлама мукамал таъминлашга ҳаракат қилияпмиз. Электрон ҳужжат алмашишуви тезкорлик ҳамда амалиётбоплик борасида ахборот асри мақсадига тўла мос тушмоқда.

Албатта, янгиликни жорий этиш худди хамирдан қил суғургандек силлиқ кўчгани йўқ. Балки Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Вилоят компютерлаштириш маркази биринчи навбатда жойлардаги ходимларни танлашга эътибор қаратишди. Термиз Давлат университетиде ташкил этилган ўқув семинарида "E-hujjat" билан ишлаш йўллари хусуси-

да етарли тушунчалар берилди. Машгулотларни Вилоят компютерлаштириш маркази раҳбари Муҳаммадjon Сиддиқов олиб борди. Тадбир давомида интерактив хизмат доираси тобора кенгайиб боришига ҳам урғу берилди. Тез орада Термиз шаҳри ва барча туманлар ҳокимликларида "Виртуал қабулхона" очилишига эътибор қаратилди. Энди фуқаролар ўз ариза ва шикоятлари билан айна қабулхона орқали ўз туман ҳокимига мурожаат қилаверади. Унинг йўл босиб юришига, кутиб қолишига ҳожат қолмайди. Шунингдек, туманларда "Ғалла" дастури ҳам "Ғалла" дастури сингари кенг йўлга қўйилди. Қабул масканлари билан ўрнатилган алоқа туфайли тезкор мавсумий маълумотлар дақиқалар ичида олинади.

Вилоят компютерлаштириш маркази мутахассисларининг яна бир хайрли иши таъкидга лойиқдир. Борди-ю марказ билан боғлиқ бирон шохобчада компютер носозлиги сабаб муаммо туғилиб қоладиган бўлса, уни тузатиш бевосита компютерлаштириш марказидан туриб бажарилмоқда. Натияжада вақт тежалмоқда, ортиқча уринишлар бўлмапти.

Бир сўз билан айтганда, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вилоят компютерлаштириш маркази жамоаси ўзларининг бор куч ва маҳоратларини мустақил Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўйиш учун сарфлашмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйилаётган неки янгиликлар борки, буларнинг барчаси тараққиётга хизмат қилаётир.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Ахборот технологиялари божхона хизматида

Давлат божхона қўмитаси ташаббуси билан мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида Тошкент минтақасида фаолият юритаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун пойтахт божхона бошқармасида "Ахборот технологиялари божхона хизматида" мавзусида ўқув-амалий семинари ташкил этилди.

Семинарда йиғилганларга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборотлар берилди. Жумладан, 2011 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб кучга кирган божхона юк декларацияларининг (БЮД) электрон нусхасини электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тақдим этиш тартиби хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Давлат божхона қўмитасининг "БЮДнинг электрон нусхасини жорий этиш тўғрисида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарорига (Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 2 сентябрда 1055-1 рақам билан рўйхатдан ўтказилган) асосан 2011 йил 1 ноябрдан бошлаб божхона брокер-

лари ва божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларга товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви пайтида, БЮДнинг қозғоздаги нусхаси билан бир қаторда, унинг электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон нусхасини ҳам тақдим этиш лозим бўлади.

2003 йилда қабул қилинган "Электрон рақамли имзо тўғрисида" ва "Ахборотлаштириш тўғрисида", 2004 йилги "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар божхона хизматида ахборот технологияларини комплекс тарзда ўзлаштиришга кенг йўл очди.

Электрон декларациялаш ҳақида сўз кетар экан, бунда "реал юк — виртуал ҳужжат" шиори ўзига хос тамойилга айланиб бормоқда. Электрон декларациялаш тизими бир неча йилдан буён божхона органлари фаолиятига жорий этиб келинмоқда. 2007 йилдан

бошлаб ДБКнинг таркибий тўзимларида БЮД маълумотларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизими (БЮД МИАТ) амалиётга жорий қилинди. Хусусан, тизим БЮД маълумотларининг форматли ва логик назоратини амалга ошириб, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар гайрияхтиёрли хатоларининг олдини олиш имконини беради ҳамда божхона тўловлари тўғри ҳисобланганини текширади. Бу эса, ўз ўрнида, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар учун ҳам, божхона инспекторлари учун ҳам қулай дастакдир. АСОД дастуридан фойдаланувчи инспекторлар, унга маълумот тайёрловчи декларантлар томонидан нотўғри маълумотларнинг дастурга киритилишининг олдини олиш мақсадида дастурда мантиқий назорат тизими жорий этилган. Хусусан, шартнома шартлари, расмийлаштиришга тақдим этилаётган товарлар сони ҳамда оғирлиги, божхона қийматининг тўғри белгиланганлиги, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, депозит ҳисоб рақамида маблағлар етарли эканлиги ва бошқа мантиқий назорат функциялари жорий қилинган.

Электрон декларациялаш — ТИФ иштирокчилари ва божхона органлари ҳамкорлигининг бутунлай янги тури бўлиб, техник воситалар ва ахборот технологиялари ҳисобига меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишни тақозо этади. Ушбу технологияни қўллаш божхона хизматида ҳам, бизнесга ҳам фойдалидир. Зеро, электрон декларациялашни жорий этишнинг вазифаларидан бири — ТИФнинг қонунга итоаткор иштирокчилари учун божхона расмийлаштируви жараёнини қисқа вақт давом этадиган ва имкони борича қулай қилишдир.

Бугунги кунда автоматлаштириш жараёнларини жадаллаштириш давр талаби эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Электрон декларациялаш ҳам божхона ахборот тизимларини модернизациялаш лойиҳасининг ажралмас қисмидир, уни амалга ошириш ахборот технологияларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Тадбир иштирокчилари электрон декларациялаш ва божхона соҳасининг турли йўналишларига оид саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Ҳусен ТАНГРИЕВ

Xalqaro hayot



ХАКЕРГА 121 ЙИЛЛИК ҚАМОҚ

Америка Қўшма Штатларида Флорида штатида яшовчи Кристофер Чейн иши юзасидан суд жараёни бошланди. The Washington Post нашрининг ёзишича, таниқли шахслар электрон почтасига кирганлиги ва уларнинг шахсий фотосуратларини интернетда тарқатганлиги учун бу хакерни 121 йилгача қамоқ жазоси кутмоқда.

Тергов маълумотларига кўра, Чейни 50дан ортиқ таниқли шахслар, жумладан, актрисалар Скарлетт Йохансон, Мили Кунис ва қўшиқчи Кристин Агилернинг электрон почтасини бузган ва уларнинг фотосуратларини интернетда тарқатиб юборган. Хакерга 26 модда бўйича, хусусан, шахсий маълумотларга ноқонунли кириш ва хабарларни қўлга киритиш айби қўйилмоқда. Агар у айбдор деб топилса, 121 йилгача озодликдан махрум қилинади.

Чейни ҳозирда озодликда: у 10 минг доллар гаров пули эвазига қўйиб юборилган.

ҚўНИШ ВАҚТИДАГИ ХАЛОКАТ

Ньюарк (АҚШ)дан парвоз қилган Полшанинг LOT миллий авиакомпаниясига тегишли Boeing 767 самолётида Варшавада кўниш пайтида муаммо пайдо бўлган. Самолёт бортида 230 нафар йўловчи бор эди. Дастлабки маълумотлар бўйича қурбонлар йўқ.

ЯДРО РУДАЛАРИ ЙЎҚОЛДИ

Руминиянинг Штей шахридаги Миллий уран компанияси (CNU)дан 73 килограмм уран рудаси йўқолган. Ушбу иш юзасидан Ядровий фаолият назорати бўйича миллий комиссия (CNCAN) ва Бихор уезди полицияси текширув ишларини бошлаган, дея хабар тарқатади Руминиянинг "Медиафакс" агентлиги.

Агентлик маълумотида кўра, йўқолган радиоактив материаллар диаметри 8 сантиметр, узунлиги 3,5 метр бўлган саккизта махсус контейнерда бетон сақловхоналарда сақланарди.

CNCAN президенти Вайда Борбаланинг айтишича, рудалар омборда қайта ишлаш тадбири олиб борилаётган вақтда йўқолган. Экспертларнинг фикрича, контейнерларга зўён етиши атроф-муҳитга ва одамлар соғлиғига зарар келтириши мумкин.

НАТО ЛИВИЯДАГИ МИССИЯСИНИ ТУГАТДИ

"Бирлашган ҳимоячи" номи остида Ливияни бомбардимон қилган НАТО етти ойдан сўнг ўз амалиётини тўхтатган.

"Ливиядаги "Бирлашган ҳимоячи" операцияси НАТО тарихидаги энг муваффақиятли тадбир бўлиб қолди. Биз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ливия оддий фуқароларини ҳимоя қилиш, парвозсиз ҳудудни таъминлаш ва қурол етказишга эмбарго мандатини тўлиқ амалга оширдик", — дея маълум қилган НАТО бош котибни Андерс Фог Расмуссен.

Етти ой давом этган амалиётда НАТО Ливияда 26 мингдан ортиқ парвозларни амалга оширган, уларнинг 9,6 минги нишонга теккан. Парвозлар режали тартибда олиб борилган бўлиб, кунига 110-150 бор парвоз қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Бугун олий ўқув юртида яхши ниятлар билан назарий билим олаётган талабаларнинг ўзи танлаган соҳани мукамал эгаллашида амалиётнинг ўрни катта. Айниқса, шиддаткор давр тақозоси билан техника ва технологиялар соат сайин янгиланаётган ҳозирги кунда бу жараён янада муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мана, бир неча йилдирки, талабаларнинг ёзги таътили пайтида соҳамизга етук мутахассислар тайёрлаб бераётган Тошкент ахборот технологиялари университетида Бунёдкор ёшлар отрядлари ташкил этиляпти. Бу отрядларда талабалар аввало ўз таътиллари самарали ва мазмунли ўтказмоқдалар. Қолаверса, устозлари ёрдамида олийгоҳ аудиторияларида олган билимларини амалиётда ўз кўзлари билан кўриш, шунингдек, қурилиш ва бошқа бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш ҳамда маълум миқдорда маош билан таъминланиш имконига ҳам эга бўлмоқдалар.

Бунёдкор ёшлар-2011: Самарали якун,

2011 йилнинг ёзида ТАТУ ва унинг филиалларида ташкил этилган Бунёдкор ёшлар отрядлари томонидан қандай ишлар амалга оширилди ва улар томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари қай тариха яқунланди. Мухбиримизнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инновация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси Жамолидин ПУЛАТОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

— **Жамолидин Камолидинович, мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун кенг имкониятлар яратилляпти, шундай эмасми?**

— Албатта. Ўз ўрнида ёшларимизда ҳам бу ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда билимга интилиш, ўз касбининг устаси бўлишга ҳаракат қилиш иштиёқи кундан-кунга ортиб бормоқда, мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, жаҳон миёдолида барча соҳалар бўйича ривожланишига ҳисса қўшиш истаги кучаймоқда.

— **Талаба амалиётда тобланиди, чархланиди ва ўз танлаган соҳаси бўйича кейинги йўлига назар ташлаш имкониятига эга бўлади. Бу борада ТАТУ ва унинг филиалларида Бунёдкор ёшлар отрядларининг ташкил этилиши қай даражада аҳамиятли деб ўйлайсиз?**

— Талабаларнинг ёзги таътили самарали ўтказиш, уларнинг бўш вақтларидан ахборот ва компютер технологияларини ривожлантиришда ҳамда республикамизнинг турли жойларидаги ўрта махсус, касб-ҳунар муассасалари педагоглари ва мактаб ўқитувчиларига компютер саводхонлиги курсларини ташкил этиш амалиётини унумли фойдаланиш бўйича амалга ошири-

ТАТУ ва унинг филиалларида тuzилган гуруҳларнинг 450дан ортиқ талабалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12та вилоят бўйича 497та мактабнинг 20234 нафар ўқитувчисини АКТ бўйича ўқитишда иштирок этишди.

ладиган ишларга ҳукуратимиз томонидан жуда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 майдаги 07-1-250-топшириғига асосан Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида таълим олаётган талабаларнинг ёзги таътилини самарали ташкил этиш, дам олишлари учун қулай шароит яратиш, бўш вақтларидан оқилона фойдаланиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди. Унда 2010-2011 ўқув йилининг ёзги таътилида ТАТУ ва унинг барча ҳудудий филиалларида "Бунёдкор ёшлар-2011" меҳнат отрядларини ташкил этиш ҳамда бўлғуси алоқачиларнинг "Ўзбектелеком" АК ва унинг филиаллари билан ҳамкорликда, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли ёзги дам олиш оромгоҳларида дам олувчиларга ахборот-коммуникация ва интернет технологияларини ўқитиш бўйича компютер саводхонлиги курсларини олиб бо-

ришлари, республика ахборот-кутубхона марказида ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари асосий вазифа қилиб қўйилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирларни бу йил кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказиш учун Агентлик томонидан барча шароит ва имкониятлар яратиб берилди.

— **Меҳнат отрядларига қанча талаба қамраб олинди ва улар қайси ташкилотларда амалиётда бўлишди?**

— Ушбу тадбирларга 1100 нафардан ортиқ талабалар сафарбар қилинди, уларнинг 462 нафари университетнинг ҳудудий филиаллари ҳиссасига тўғри келади. "Бунёдкор ёшлар-2011" меҳнат отрядлари бир қисми "Телекомқурилиш" ШК ҳамда "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиалининг Шайхонтоҳур ва Чилонзор телефони боғламаларида 40 нафар талаба иштирокида ташкил этилди.

"Маълумотларни узатиш тизимлари ва тармоқлари" кафедраси ассистенти А.Ядров раҳбарлигида амалиётни ўтаган 20 нафар талаба "Телекомқурилиш" ШКда асосан АТС схемаларини ўрганиш ва улар билан ишлаш, маънавий эскирган АТСларни утилизация қилиш ишлари билан шугулланилар. Иш ўрганиш жараёнида "Телекомқурилиш" ШКнинг тажрибали мутахассислари, жумладан, директор ўринбосари А.Назарбеков, бош мутахассис Ж.Ҳакимовлар талабаларга амалиётни тамомлагунарига қадар техника хавфсизлиги, ишни ташкиллаштириш, АТСларни утилизация қилиш ва таъмирлаш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлаш юзасидан ўзларининг қимматли маслаҳат ва тажрибаларини аямаллар. Талабалар иш жараёнида барча шароитлар билан таъминланди, масалан, уларга корхонанинг ўзида ҳар кун бепул тушлик ташкиллаштирилди, ишдан та-



**Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Беғул умумий таълим олиш давлат
томонидан кафолатланади.
Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 41-модда.

шқари вақтлари спортнинг стол теннис ва баскетбол турлари билан шуғулланиш имконияти яратилди. Етарли иш вақти билан таъминланган талабаларга "Телекоммуникация" ШК томонидан ўртача 240000 сўм миқдорда иш ҳақи берилди.

Университетнинг яна 20 нафар талабаси 2011 йил 14 июндан 8 июлгача "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси С.Дудюк ҳамда "Маълумотларни узатиш тизимлари ва тармоқлари" кафедраси ассистентлари С.Нурматова ва М.Зокирова-лар раҳбарлигида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг Чи-

кация ва компьютер технологияларини жорий қилишда аҳоли, энг аввало, ёшларга таълим берадиган умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари педагогларини ўқитиш катта аҳамиятга эга. Бу борада университет ва унинг филиаллари талабалари томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 4 февралдаги 43-буйруғи ҳамда 2011 йил 27 майдаги 109-Ф-фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида ТАТУ ва унинг филиалларида тузилган гуруҳларнинг 450дан ортиқ талабалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент

нинг ягона ахборот тармоғини қуриш ишлари амалга ошириляпти. Бу орқали республикамиздаги барча олий таълим муассасалари ушбу тармоқ бўйича видеоконференцалоқа терминаллари ва охириги қурилмалар ёрдамида ўзаро боғланиш ва таълим си-

қалпоғистон Республикаси филиалида ассистентлар Ш.Ядгаров ва З.Алламуротовалар раҳбарлигида жами 100 нафар талаба ҳудудларда FTTB технологиялари асосида юқори полосали оптик толали кабелларни ётқизиш ва монтаж ишларида, алоқа корхоналарини ва янги биноларни қурилиш-таъмирлаш ва кўп қаватли тураржой биноларидаги аҳолини интернет тармоғи билан таъминлаш ишларида фаол иштирок этишди.

Меҳнат отрядларида қатнашган талабалар маош, махсус кийим-бош, иссиқ овқат билан таъминландилар.

— Пойтахтимизда бунёд этилаётган Республика ахборот-кутубхона маркази нафақат Марказий Осиёда, балки МДХда ҳам ягона ва замонавий иншоот сифатида кўрган кўзларни яшнатмоқда. Бунёдкор ёшлар бу ердаги ишларда ҳам иштирок этишди.

— Миллийликни ўзда мужасамлаган бу улкан бино Ўзбекистонда янги аср ахборот ва компьютер ҳамда интернет технологияларининг энг охириги ютуқларини жамлаган ҳолда электрон кутубхонашуносликнинг миллий моделини ўзда акс эттирган. Янги қуриляётган ушбу муҳташам саройда О.Алимова раҳбарлигидаги Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналишининг 25 нафар 2, 3 ва 4-босқич талабалари ишлаб чиқариш амалиётини ўтадилар. Талабалар томонидан Республика ахборот-кутубхона марказининг эски биносидан Миллий кутубхона фондидаги 4,5 млн.дан ортиқ китоблар янги бинога кўчирилди. Иш жараёнида бўлган кутубхонашунослар Республика ахборот-кутубхона марказининг миллий модели, унда ташкил этиладиган янги иш ўринлари ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

— Талабаларнинг ёзги сафарбарлиги қай даражада самарали бўлди, деб ўйлайсиз?

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида амалга оширилган ушбу сафарбарлик ишлари натижасида талабалар республикамизда ахборот-коммуникация, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламдаги ишлар билан яқиндан танишишди, бу ишларда бевосита иштирок этишди, бунинг натижасида уларда бунёдкорлик малакаси ва тажрибаси шаклланди, аҳолининг ахборот ва интернет технологиялари бўйича саводхонлигини оширишда фаол иштирок этишлари уларда ўзига нисбатан ишонч пайдо қилди. Албатта, амалга оширилган ушбу серқирра ишлар келажакда ўз мевасини беради.

Муборак МИРКАМОЛОВА
сўхбатлашди

Малака ва тажриба

лонзор ва Шайхонтоҳур телефон боғламаларида амалга ошириляётган замонавий FTTB технологиялари лойиҳаси асосида оптик толали алоқа кабелларни тортиш ва телекоммуникация линияларини узатириш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшидилар.

Меҳнат отрядлари талабалари Шайхонтоҳур телефон боғламасининг 229, 243 ва 246-ЭАТСлари хизмат кўрсатадиган кўчаларга кундалик таъмирлаш бригадаси бошлиғи Ғ.Азимов ва кабелчи-пайвандловчи Қ.Юсуповлар бошчилигида FTTB технологиялари асосида 9682 метр узунликда оптик толали алоқа кабелларини ётқизишда фаол қатнашдилар.

Талабаларнинг бевосита иштирокида Чилонзор телефон боғламаси томонидан Чилонзор туманининг 46та кўп қаватли тураржойларига FTTB лойиҳаси бўйича пўлат сим тортилди ҳамда 1410 метр оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Иш жараёнида талабалар телекоммуникацияда жуда нозик технология ҳисобланган оптик толали кабелларни улашда қўлланиладиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларни ишлатиш бўйича кўникмаларга эга бўлишди. "Бунёдкор ёшлар-2011" меҳнат отрядлари талабаларига иш жараёнида махсус футболкалар берилди, бир маҳал беғул тушлик ташкил қилинди. Талабалар бу ерда ҳам ўртача 240000 сўм миқдордаги иш ҳақи билан таъминланишди.

— **Жойларда ташкил этилган компьютер саводхонлиги курслари ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Маълумки, республикамизнинг чекка ҳудудларида компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, у ерларда истиқомат қилувчи аҳолини замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари бўйича билимларини ошириш, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яратишда ҳукуматимиз томонидан жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий ахборот-коммуни-

шаҳри ва 12та вилоят бўйича 497та мактабнинг 20234 нафар ўқитувчисини ўқитишда иштирок этишди. Курслар университетнинг етакчи мутахассислари томонидан 72 соатга мўлжаллаб тузилган, компьютер ва ахборот технологияларининг энг асосий мавзуларини ўз ичига қамраган махсус дастур асосида ташкиллаштирилди. ТАТУ филиаллари бўйича тузилган гуруҳларда 350дан ортиқ талаба иштирок этиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги 370та умумтаълим мактабининг 7937 нафар ўқитувчисига компьютер саводхонлиги ҳамда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари бўйича энг зарур билимларни ўргатишди.

— **Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга асосан республикамиздаги барча олий таълим муассасалари-**

фатини ошириш йўлида турли ҳамкорлик ишларини олиб боришлари мумкин бўлади. "Бунёдкор ёшлар-2011" меҳнат отрядлари талабалари ушбу лойиҳа доирасидаги ишларда ҳам иштирок этишди?

— Ушбу лойиҳа доирасида университет филиалларида тизимли равишда ҳамда режа асосида уюшқоқлик билан иш олиб борилди. Талабалар "Ўзбектелеком" АКнинг худудий филиаллари билан шартнома асосида ишладилар. "Ўзбектелеком" АКнинг Фарғона, Андижон ва Наманган филиалларида ТАТУ Фарғона филиали ассистентлари М.Халилов, Ж.Суюмов ва Х.Араб-боевлар раҳбарлигида 20 нафар, Самарқанд филиалида ТАТУ Самарқанд филиали ассистентлари Ф.Мухаммадиев ва Н.Раҳимов, Қашқадарё филиалида ТАТУ Қарши филиали ассистенти Б.Тўйчиев, Хоразм филиалида Э.Авезов ва Қора-



Об эволюции

в области телерадиовещания

В соответствии с соглашением между немецкой компанией "Fingacom AG" и УзАСИ 1-2 ноября провели научно-технический семинар "Эволюция в области телерадиовещания и мониторинга радиоманнитных волн во второй декаде третьего тысячелетия".

В мероприятии приняли участие студенты ТУИТ, представители Узбекского агентства связи и информатизации. А также производители телекоммуникационного оборудования "Rohde&Schwartz", "Katherin", "Thomson Broadcast", "Hiltro".

На семинаре специалистами были обсуждены такие темы как: станции цифрового правления, организация цифрового телерадиовещания в частотах амплитудной модуляции, новые мировые требования к будущему цифровых технологий, история телерадиовещания сегодняшнего и будущего, основные характеристики антенн DVT.

Участники семинара не только прослушали темы выступающих, но и получили ответы на поступившие в ходе докладов вопросы.

Газета "Сегодня"

Выпущена новая почтовая марка

В этом году Региональному содружеству в области связи (РСС) исполняется 20 лет. В ознаменование этой даты Узбекским агентством связи и информатизации совместно с ОАО "Узбекистон почтаси" издан почтовый блок, который состоит из одной почтовой марки.

На полях почтового блока на фоне изображены здание Сената, "Арка добрых и благородных устремлений", развитие современных технологий в сфере телекоммуникаций. На марке изображена Ташкентская телебашня. На верхнем правом углу почтового блока расположен логотип РСС. Размер блока 90x70мм., марки 30x42мм. Дизайнер почтового



блока У.Юсупалиев. Почтовая марка введена в обращение с 1 ноября 2011 года.

Региональное содружество в области связи было создано 17 декабря 1991 года в Москве главами администраций связи государств — участников СНГ. Основными задачами деятельности РСС являются: расширение взаимовыгодных отно-

шений между администрациями связи РСС в гармонизации развития сетей и средств связи; координация вопросов в области научно-технической политики, управления радиоспектром, тарифной политики на услуги связи и взаиморасчетов, подготовки кадров; взаимодействие с международными организациями в области связи и информатизации; взаимного обмена информацией и др.

Администрация связи Республики Узбекистан является участником Регионального содружества в области связи с момента его создания и активно взаимодействует с данной организацией.

Система "Matlab"

в научных исследованиях

В настоящее время проведение научных исследований сопряжено большим объемом вычислений. В этом аспекте программные продукты типа Maple, Mathcad, MatLab, LabView и другие являются незаменимым инструментом в научных исследованиях и позволяют значительно повысить эффективность научных исследований.

MATLAB используют более 1 000 000 инженерных и научных работников он работает на большинстве современных операционных системах. Он также широко использовался и в образовании, в частности, для преподавания линейной алгебры и численных методов. Возможности MATLAB; визуализация данных, разработка алгоритмов и программирование, анализ, импорт и экспорт данных, разработка графического интерфейса пользователя.

На сегодняшний день отмечается дефицит литерату-

ры по практическому руководству и обучению использованию всех возможностей этих программных продуктов на государственном языке. Одной из первых и полных публикаций основ работы по одному из самых востребованных программных продуктов "MatLab" является книга "MATLAB асослари" Т.Дадажона.

С целью восполнения пробела в освоении и приобретения навыков работы с программой "MatLab", Научно-техническим обществом радиотехники, электроники

и связи для аспирантов, научных сотрудников и соискателей ученых степеней ГУП "UNICON" были организованы курсы лекции и практических занятий по основным разделам книги "MATLAB асослари".

Курс лекций охватил 8 разделов и составил 16 часов лекций, практических занятий и консультаций, в том числе; возможности и объекты, визуализация и представление данных, численные методы, средства программирования и др.

Для проведения обучающего курса был приглашен автор книги "MATLAB асослари" сотрудник Ферганского политехнического института Г.Дадажонов.

Р.КАДИРОВ,

ученый секретарь

НТО РЭС

"БИЛАЙН" ПОДПИСАЛ ДОГОВОР ОБ ОКАЗАНИИ УСЛУГ GPRS-РОУМИНГА С КАНАДСКИМ ОПЕРАТОРОМ "WIND"

"Билайн" (ООО "Unitel" и СП "Buzton") сообщает об очередном расширении географии GPRS-роуминга. Соответствующее соглашение заключено с компанией "Wind" (Канада).

Комментируя событие, старший менеджер по связям с общественностью "Unitel" Ораз Абдуразаков сказал: "Глобальное партнерство в рамках "ВымпелКом Лтд.", объединяющей 19 стран, предусматривает и взаимодействие в сфере международного роуминга. Мы приветствуем расширение сотрудничества с канадским оператором "Wind", и уверены, что оно пойдет на пользу нашим абонентам".

Напомним, что "Билайн" является роуминг-оператором №1 в Узбекистане, и для его абонентов действует услуга CAMEL-роуминга, позволяющего пользоваться связью при любом положительном балансе, то есть без гарантийного взноса \$50 и до тех пор, пока баланс абонента не станет равен \$0. При этом средства со счета списываются в режиме реального времени. CAMEL-роуминг не требует активации, так как услуга автоматически включена на телефоне. Воспользоваться услугой могут физические лица, использующие тарифные планы предоплатной системы расчетов при любом положительном остатке на счету.

"MMS ПО ЦЕНЕ SMS" — АКЦИЯ ОТ "МТС-УЗБЕКИСТАН"

С 1 ноября по 31 декабря 2011 года (включительно) абонентам тарифных планов "DialOK", "Универсал", "Эксклюзив", "Длинные разговоры" и "МТС VIP" предоставляется возможность не ограничивать себя в желании мгновенно поделиться фото- и видеофайлами со своими близкими. Ведь в рамках акции, стоимость отправки внутрисетевого MMS-сообщения равна стоимости отправки исходящего SMS — \$0,02.

"Услуга MMS становится все более популярной среди наших абонентов, с каждым днем число пользователей, которые хотят обмениваться не просто информацией, но и эмоциями, растет. Специально для наших клиентов, мы предоставляем возможность обмена MMS-сообщениями объемом до 500 Кб со своими родными и близкими по цене исходящих внутрисетевых SMS-сообщений", — отметил заместитель генерального директора по коммерции "МТС-Узбекистан" Н.Шадманов.


Сервис MMS предоставляется вместе с интернет-услугами WAP и GPRS. Подключить пакет услуг можно, отправив USSD-команду *111*0011#, в офисах компании или самостоятельно с помощью услуги "Интернет-помощник". Абоненты, впервые подключающие себе услуги MMS/WAP/INTERNET, могут их настроить, позвонив по номеру бесплатной услуги "Настрой-ка" - 0876.



Очередное снижение тарифов на интернет-услуги для провайдеров

Акционерная компания "Узбектелеком" сообщает о снижении со 2 ноября 2011 года тарифов на интернет-услуги (внешнего канала) для провайдеров до \$573 за 1 Мбит/с.

В 2011 году это уже шестое снижение тарифов на внешний канал. На начало 2011 года стоимость составляла \$849. С февраля 2011 года она была снижена до \$755 за 1Мбит/с, со 2 июля до \$705, с 12 июля до \$688, с 15 августа до \$665, с 16 сентября \$632 и 2 ноября 2011 года снижена до \$573 за 1 Мбит/с. Таким образом, тарифы только в 2011 году были снижены на 48,16%.



Хабарлар +tv


2011-йил 4-ноябр
44 (998)-сон

Хабарлар

7

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Иқлим".
7.05 "Одам ва одам" дастури: "Табиат кучлари".
7.20 "Кўнги қўшиқ истайди".
7.25 "Сўнги қиролча", Т/с.
8.00 "Тахлинома".
8.45 - 9.45 "Манабат" дастури.
9.45 "Икки дуст", М/с.
10.05 ТелеТепт: "Комитиндан ўрғудай", 1-қисм.
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абборот".
11.15 "Комиссар Рекс", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.50 "Кўнги қўшиқ истайди".
12.55 "Иқлим".
13.00 "Ватанпарвар".
"Болалар сайёраси".
13.40 "Сехри қалам", М/с.
14.00 "Абборот".
14.20 "Қорғи".
14.35 Миллий кино: "Сени излаб".
15.10 "Иқлим".
15.15 "Одам ва одам" дастури: "Сайёралар".
16.10 "Мен ёшлюкман".
16.25 "Шукрона".
16.40 "Икки дарё оралиғида".
17.00 "Абборот".
17.15 "Сўнги қиролча", Т/с.
17.50 "Иқлим".
18.00 "Кўнги қўшиқ истайди".
"Болалар сайёраси".
18.05 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
18.25 "Иқлим".
18.30 "Камелот остонаси".
18.50 Миллий сериал: "Чемпионлик оҳуши".
19.20 "ТВ - шифорас".
19.25, 20.00, 20.55 Эъшонлар.
19.30 "Абборот".
20.10 "Олтин мерос".
20.20 "Ўаёт қўшиғи", Т/с.
21.00 "Абборот".
21.45 "Истиқлол солиҳмаси".
21.50 "Нон қис", Т/с.
22.00 "Иқлим".
22.35 "Шимол ва жануб", Т/с.
22.35 "Одам ва одам" дастури: "Табиат кучлари".
23.30 - 23.55 "Очун".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 "Қорғи".
00.15 ТелеТепт: "Комитиндан ўрғудай", 1-қисм.
00.50 "Иқлим".
00.55 "Кўнги қўшиқ истайди".
1.00 "Абборот" /рус/.
1.35 - 2.35 "Манабат" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Мен ёшлюкман".
2.55 "Олтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик оҳуши".
5.10 "Саломатлик сирлари".
5.25 "Икки дарё оралиғида".
5.45 - 5.55 "Очун".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мультиплексинома".
6.30 "Морена Клара", Т/с.
8.50 "Ёшлик наволари".
9.10 "Мўжизавий дунё".
10.00 "Давр ҳафта ичиди".
10.30 "Келин", Т/с.
11.20 "Истиқлол қайтарган номлар".
12.00 "Қирғоқ ва қаниқаз", Т/с.
12.50 "ЎзБЕК".
13.00 "Давр".
13.10 "Миллий мультфильм".
13.20 "До-ми-соль".
14.00 "Доктор Қўнғи", Т/с.
14.50 "Ёшлик наволари".
15.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
15.50 "ЎзБЕК".
16.00 "Давр".
16.10 "Морена Клара", Т/с.
17.00 "Эртақлар оламиди", М/с.
17.30 "Зумат", Б/ф, 1-қисм.

ДУШАНБА — 7 НОЯБР

18.30 "Давр маъуси".
18.50 "Қонистуғиллар дари".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин", Т/с.
20.20 "Ёшлик наволари".
20.40 "Нухтан назар".
21.10 "Қирғоқ ва қаниқаз", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Доктор Қўнғи", Т/с.
23.20 "Давр маъуси".
23.40 "Ёшлик наволари".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ўаёт-момо", Т/с.
1.40 "Ёшлик бағи".
2.00 "Давр".
2.20 "Yoshlar FM".
3.00 "Шарқ гавари".
3.20 "Мўжизавий дунё".
4.30 "Нилум қишлоғи".
4.40 "Оли бўғиси".
5.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
5.50-6.00 "Ўаёт симфонияси".



6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 "Пойтахт йўлларида".
6.20 "Афина".
6.30 Миллий сериал: "Умр сўқмоқлариди", 4-қисм.
7.00 "Мулоҳаза учун маъзу".
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 "Икки тақдир", Т/с, 35-қисм.
9.10 "Интеръё".
9.20 "Интеллектуал аўқушчи".
9.30 "Пойтахт".
9.45 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти.
10.00 "Ибрат".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.40 Миллий кино: "Уқаланиш", Б/ф.
12.30 "Дидаги гапар".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё" телестури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Икки тақдир", Т/с, 36 - қисм.
15.40 "Миттёваклар оиласи".
16.00 Тошкент тароналари.
16.20 "Сехри ний", М/ф.
17.05 "Моҳият".
17.20 "Ўазаб бўстони".
17.25 "Қасбим даҳирим".
17.40 "Этикада".
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Саломат бўлиш".
18.40 "Эко-пойтахт".
18.50 "Интеллектуал аўқушчи".
19.00 Миллий сериал: "Умр сўқмоқлариди", 5-қисм.
19.25 "Ушарам".
19.30 Тошкент тароналари.
19.50 "Телекурер-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Бизнес-пойтахт".
20.30 "Шаҳзодаим қўшиғи", Т/с.
21.00 Тошкент тароналари.
21.20 "Телекурер-маркет".
21.30 "Пойтахт" /рус/.
21.55 "Интеръё".
22.05 "Кино SMS со звездани".
22.10 "Наездник", Х/ф.
22.40 "Бизнес-пойтахт".
23.50 "Эко-пойтахт" /рус/.
00.00 "Кўрсатувлар тартиби".
00.05 "Не отпуская меня", Х/ф.
1.30 "Бесе о грядущем".
2.25 "Улдирчи".
2.30 "Тавия нуқтаси".
3.00 "Бизнес-пойтахт".
3.10 Миллий кино: "Уқаланиш", Б/ф.
3.00-4.00 "Салом, Тошкент".



6.00 "Хайрият тоғи".
6.10 "Саломат бўлиш".
6.30 "Спорт - менинг ҳаётим".
6.55 "Жасур болалар".
7.25 Болалар майдончаси: Тоғчи гимнастикаси.
"Спортландия", Мультфильм.
8.00 ХАБАРЛАР.

8.30 "Саломат бўлиш".
8.50 Футбол. Ўзбекистон чемпинати. "Андижон" - "Насар".
10.35 Оғир атлетика. Жаҳон чемпинати.
11.25 "Жасур болалар".
12.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпинати.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси: "Спортландия", Мультфильм.
13.35 "Ринг қироллари".
14.30 Теннис. Федерация кубоги. Финал.
16.15 Футбол. Испания чемпинати. "Атлетик" - "Барселона".
18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия", Мультфильм.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик қазинаси.
18.55 "Жасми".
19.15 Спорт тенниси. Жаҳон кубоги. Финал.
20.45 "Футбол шарҳи".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик қазинаси.
21.55 ИнтерФутбол.
23.35 Сешба дастури аниси.
23.45 Оғир атлетика. Жаҳон чемпинати.
1.00 Хабарлар.
1.25 Теннис. Федерация кубоги. Финал.
3.10 Баскетбол. Ўзбекистон чемпинати.
4.10 - 5.50 Футбол. Италия чемпинати. "Женоа" - "Интер".



07.00 07.40 09.00 10.30 14.00 15.30 18.10
08.00 02.15 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (yab)
08.10 "Ақрақалсада биргами"
09.40 Сериал "Собитие"
11.30 "Отпуская по обмену" Х/ф
14.40 "Ақрақалсада биргами"
17.30 "Премьера"
18.00 Prime time (yab)
18.40 Сериал "АҚРАҚАЛСАДА БИРГАМИЗ"
21.00 Сериал "Собитие"
22.00 "КАК ЗНАТЬ?" Х/ф
00.20 Минскер
01.30 Сериал "Мысльте как преступник"
03.00-05.00 "Железный человек"

БИРИНЧИ

04.00 08.05 "Доброе утро"
08.00, 14.00, 02.00 Новоности
08.30 Контрольная закупка
08.55 "Жить здорово!"
09.55 Миллий проговор
11.00, 22.20 Торжественный марш на Красной площади к 70-летию Военного парада 1941 года
12.05 Великая война. Битва за Москву
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить.
14.30 "Хочу жить" с Михаилом Шварцманом
15.00 Т/с "Обручальное кольцо"
15.50 "Федеральный судья"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Двай поженимся!"
18.55 "Пусть говорят"
20.00 "Брейн"
20.30 Т/с "Дело гастронома №1"
21.25 сезона. "Судьба на выбор"
23.15 Ночные новости
23.35 Т/с "Форс-мажоры"

РОССИЯ 1

04.00 Утро России
08.00 "С новым домом!" Ток-шоу
09.00 "О самом главном". Ток-шоу
10.00, 13.00, 15.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 15.30, 19.30 Вести-Москва
10.50 Т/с "Кулиги и партнёры"
11.55 Т/с "Татьяна счастлива"
13.50 Вести. Дежурная часть
14.05 Т/с "Евросырия. Продолжение"
15.50 Т/с "Все к лучшему"

16.55 Т/с "Здравствуй, мама!"
17.55 "Прямой эфир"
19.50 Спокойной ночи, малыши!
21.00 "Русская серия", Т/с
21.50 Т/с "Ликвидация"
23.50 Вести +

НТВ

03.55 "НТВ утроем".
06.30 Т/с "Морские дьяволы".
07.30 13.30 16.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
08.00, 11.00, 14.00, 17.00 Сегодня.
08.20 "Внимание: розыск".
08.55 "До суда".
10.00 Суд присяжных.
11.25 "Судебный детектив".
12.40 Центр помощи "Анастасия".
14.25 "Прокурорская проверка".
15.40 "Говорим и показываем".
17.30 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
19.30 Т/с "Пятничные".
21.15 "Сегодня. Итоги".
21.35 Честный пошелендик.
22.25 "Школа зоология".
23.10 Главная дорога.

РОССИЯ 2


06.00 "Все включено"
06.55 Д/ф "Военный музей"
07.20 "История кино"
07.55, 09.30, 12.45, 18.45, 02.25 Вести-спорт
08.10, 12.30, 02.35 Вести-футбол
08.25 "Вопрос времени".
08.55 "В мире животных"
09.45 Футбол-спорт. Местное время
09.50 Футурное катание. Гран-при
10.10, 19.00 "Футбол" /т/с.
13.55 Футбол. Первенство России. Футбольная Национальная Лига. "Туч-Энерджи" - "Урал".
15.55 "Кл. СССР - Канада".
16.55 Х/ф "Детонатор".
20.15 Мировой бокс.
23.00 Неделя спорта.
23.50 "Секреты боевых искусств"

СТС

05.00 13.00 М/с
07.00 "Давать молодёжь".
08.00 10.25 21.45 "6 кадров".
08.30 Х/ф "Артур и война двух миров"
12.00 12.20 14.30 "Ералаш".
15.00 17.30 18.00 "Папины дочки".
16.30 "Таланты".
18.30 "Воронины".
19.00 "Закрывать школу".
20.00 Х/ф "Армия тьмы".
23.00 "Светогор".
23.30 "Кино в деталях"

ТВ3

05.00 М/ф.
05.30 Т/с "Третья планета от солнца".
06.00 Д/ф "Необыкновенные животные".
06.30 Д/ф "Ребятки о зверятах".
07.00 Т/с "Зена - королева воинов".
08.00 15.00 Т/с "Охотники на монстров".
09.00 "Как это сделано"
09.30 "Далеко и еще дальше"
10.30 17.00 Т/с "Моя любимая ведьма".
11.00 Х/ф "Остров проклятых".
14.00 Т/с "Портал Юрского периода".
18.00 Т/с "Карамель".
19.00 Т/с "Касл".
20.00 Д/ф "Альтернативная история. Великая Октябрьская революция".
21.00 Х/ф "Тазз".
22.45 Т/с "Порталочник".
23.45 "Покер дуэль".



5.55 Курساتулар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иқлим".
7.05 "Одам ва одам" дастури: "Табият кучлари".
7.10 "Қўнғил қўнқил истайди".
7.25 "Сунити қурливан". Т/с.
8.00 "Ўзбор".
8.40 "9:30 "Манагини" дастури.
9.30 "Изоҳ дарэ орилинди".
9.40 Телсез: "Кометиндан йўруғли".
2-қисм.
10.15 "Иқлим".
10.20 "Нон исси". Т/с.
11.00 "Ўзбор".
11.15 "Комюсар Реже". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.50 "Қўнғил қўнқил истайди".
12.55 "ТВ - шифорас".
13.00 "Ўзбор". Англиз.
13.10 "Хаёт қўнғил". Т/с.
"Бошлар сайрағи".
13.45 "Сехин қўнғил". М/с.
14.00 "Ўзбор".
14.20 "Дуно манзаралари".
14.40 Миллий сериал: "Чемпионлик ороғи".
15.10 "Одам ва одам" дастури: "Сайрағлар".
16.00 "Телеор хабарлар".
16.10 "Қўнқил үеги".
16.25 "Истиқбол фарзандлари".
16.40 "Изоҳ дарэ орилинди".
17.00 "Ўзбор".
17.10 "Сўнги қиролчи". Т/с.
17.45 "Навоийни англаш".
18.00 "Қўнғил қўнқил истайди".
"Бошлар сайрағи".
18.05 "Эртаслар - юшпилоқа етаклар".
18.25 ТВ - анион.
18.30 "Омавларни бири".
18.45 "Муслиб альбом".
18.50 Миллий сериал: "Чемпионлик ороғи".
19.20 "Сўнги адвокатнинг".
19.25, 20.00, 20.55 Эюклар.
19.30 "Ўзбор". рус/.
20.10 "Оттин мерос".
20.20 "Хаёт қўнғил". Т/с.
21.00 "Ўзбор".
21.45 "Истиқбол солномаси".
22.30 "Нон исси". Т/с.
22.50 "Иқлим".
22.55 "Шимол ва жануб". Т/с.
23.35 "Одам ва одам" дастури: "Табият кучлари".
23.50 - 23.55 "Оғуш".
23.55 Курساتулар дастури.
00.00 "Юртим бўйлаб" дастури: "Чашмалар".
00.15 "Иқлим".
00.20 "Телсез" Телс: "Кометиндан йўруғли". 2-қисм.
00.55 "Қўнғил қўнқил истайди".
1.00 "Ўзбор" рус/.
1.35 - 2.35 "Манагини" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Кулларнинг бириш".
2.55 "Оттин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Ўзбор".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик ороғи".
5.10 "Навоийни англаш".
5.25 "Изоҳ дарэ орилинди".
5.45 - 5.55 "Оғуш".



6.00 "Ватн мери".
6.10 "Музыкиннорам".
8.00 "Морена Клар". Т/с.
8.50 "Ешлик навоилри".
9.10 "Муъжизийи дунё".
10.00 "Длар".
10.10 "Қўз маёлари".
10.30 "Келин". Т/с.
11.20 "Хаёт диком этиди".
11.40 "Қамолот-ниро".
12.00 "Қирол ва қизик". Т/с.
12.50 "ЎзЕХ".
13.00 "Длар".
13.10 "Миллий мунафили".
13.30 "Қўнғил длар".

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 Болалар худуди
07:15 Мультифилм
08:00 11:00 15:30 21:00 "Хориж хабарлари"
08:05 "Копкон" кўнгилочар кўрсатуви
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Форум вақти"
09:45 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастур
10:25 "Эълифизми" кўрсатуви
10:45 "Фонд форум" томонидан ташкил этилган концерт
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
11:45 15:50 19:15 23:45 НТТда мушиқа
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Хур қиз" б/ф
14:00 "Гасан Уст" кўрсатуви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Форум вақти"
15:35 "Кутилмаган томоша"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (46-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 Болалар соати
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (46-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
21:05 "Яшиш кайфияти"
21:45 "Хайвонот бониздаги ошмак" б/ф премера
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Сешанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яни авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хориж хабарлари"
08:05 "Яшиш кайфияти"
08:40 11:45 15:45 19:15 23:45 НТТда мушиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Форум вақти"
09:45 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Тап" кўнгилочар кўрсатуви
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Хайвонот бониздаги ошмак" б/ф
14:00 "Копкон" кўрсатуви
14:40 "Форум вақти"

15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 "Кутилмаган томоша"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (46-қисм)
16:45 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 Болалар соати
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (47-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
21:05 "25-кадр" кинокўрсатув
21:45 "Кўрошин" б/ф премера
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Чоршанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 10:00 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яни авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хориж хабарлари"
08:05 "25-кадр" кинокўрсатув
08:40 11:45 15:45 19:15 23:45 НТТда мушиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Форум вақти"
09:45 16:45 19:30 "Бизнес промо"
10:05 "Супер келинчак" теле-шоу
10:30 "Пойтахт хабарлари"
10:35 "Эълифизми" кўрсатуви
10:45 "Фонд форум" томонидан ташкил этилган концерт
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Кўрошин" б/ф
14:00 "Яшиш кайфияти"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 Кутилмаган томоша
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (47-қисм)
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 Болалар соати
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (48-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "Тошойна"
21:45 "Номлюм" б/ф премьера
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Пайшанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти"

т/с кўрсатуви
07:00 "Яни авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хориж хабарлари"
08:05 "Тошойна"
08:45 11:45 15:45 19:15 23:15 НТТда мушиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Форум вақти"
09:45 16:45 19:30 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Дийдор ширин" дам олиш кўрсатуви
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Номлюм" б/ф
14:00 "25-кадр" кинокўрсатув
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 Кутилмаган томоша
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (48-қисм)
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 Болалар соати
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (49-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "Тах.из"
21:45 "Сабок" б/ф
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Жума

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яни авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хориж хабарлари"
08:05 "Тах.из"
08:40 11:45 15:45 19:15 00:00 НТТда мушиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Форум вақти"
09:45 16:45 19:30 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Буни дафт дейдилар" кўрсатуви
10:35 "Форум хабарлари" кўрсатуви
10:45 "Фонд форум" томонидан ташкил этилган концерт дастури
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Сабок" б/ф
14:00 "Тошойна"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Форум вақти"

15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 Кутилмаган томоша
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (49-қисм)
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 Болалар соати
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (50-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "Копкон" кўрсатуви
21:45 "Троя" б/ф
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Шанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Худудий хабарлар"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яшиш кайфияти"
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 "Хориж хабарлари"
08:05 Болалар соати
09:10 "Сабок" б/ф
11:00 "Форум вақти"
12:00 "25-кадр" кинокўрсатув
12:30 Форум вақти
13:15 16:00 19:50 00:30 НТТда мушиқа
13:30 "Троя" б/ф
16:15 "25-кадр" кинокўрсатув
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Болалар худуди"
17:15 Болалар мушиқаси
17:30 Мультифилм
18:00 "Хайвонот бониздаги ошмак" б/ф
19:30 "Бизнес промо"
20:00 "Парламент соати"
20:20 "Эълифизми" кўрсатуви
20:30 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатуви
21:30 "Биз ёғиз эмасми" б/ф (Хилдистон)
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

06:30 Мумтоз наволар
07:00 "Форум вақти"
08:00 Болалар соати
09:00 "Зулмат кўчалар" т/с
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатуви
13:00 "Биз ёғиз эмасми" б/ф
16:00 19:50 23:15 НТТда мушиқа
16:15 "Тошойна"
16:45 "Бизнес промо"
17:00 "Болалар худуди"
17:15 Болалар мушиқаси
18:00 "Номлюм" б/ф
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
20:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
20:20 "Супер келинчак" теле-шоу
21:00 "Дийдор ширин" мушиқий-дам олиш дастури
22:30 "Темир хотин" б/ф
00:00 Тунингиз хайри бўлсин!

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Дунёдаги илк интернет-ярмарка

Францияда дунёдаги илк интернет-ярмарка очилди. Глобал тармоқ ўз ташриф буюрувчиларига 120дан ортиқ француз компаниялари тақдим этган виртуал экспозиция бўйлаб "сайр қилишни" таклиф қилмоқда.



"Мақсадимиз кичик ва ўрта ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим қилинган маҳсулотлар интернет-саҳифасини жорий этишни яқинига етказишдир. Лойиҳа ярмарка деб номланган", — дейди Франциянинг унча катта бўлмаган Нант шаҳарчасидаги Aerial Conseil фирмаси раҳбари Кристоф Миние.

Савдолар бевосита рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади. Шундан сўнг интернет-бозорга ташриф буюрувчи виртуал кўргазмалар марказига киради. Марказда бир неча павилионлар мавжуд: "Мебел", "Спорт моллари", "Гастрономия", "Косметика" ва "Хизматлар". Уларнинг ҳар бири таклиф этилаётган маҳсулот турига қараб бешта секцияга бўлинган. Масалан, "Хизматлар" павилионида меҳмонхона бизнеси билан шуғулланувчи ёки саёҳатлар ташкиллаштиришга ихтисослашган компанияларни танлаш мумкин.

Барча фирмалар шахсий виртуал стендларига эга. Уларда маҳсулотлар видеотахсиллари, харидорлар шарҳи, реклама брошюралари намойиш этилади. Сотувчи худди оддий бозордаги сингари сизга чегирмалар таклиф қилади. Агар павилионлар бўйлаб айланиш жонингизга текса, виртуал концерт залига ташриф буюришингиз мумкин. Бу ерда турли концертлар видеоёзувларини танласа ва онлайн тартибда мусиқачилар билан мулоқот қилса бўлади.

Интернет-ярмаркани ишлаб чиқариш учун Aerial Conseil 100 минг евро миқдорига маблаг сарфлади. Ярмарка стендлари ижараси эса сотувчига 600-1200 еврога тушади.

Озарбайжон: Ҳар 20 ўқувчига бир компьютер

Ҳозирги кунда Озарбайжонда ҳар 20 ўқувчига битта компьютер тўғри келмоқда. Бу ҳақда мамлакат таълим вазирлиги қошидаги таълим тизимини ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Элина Рзаева маълум қилган.

Рзаеванинг айтишича, Озарбайжон таълим муассасаларини компютерлаштириш жараёни 2005 йилдан бошланган. Бу ишлар "2005-2007 йилларда Озарбайжон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминлаш дастури" доирасида амалга оширилган. Мазкур дастур ижросидан сўнг мамлакатда 1/1000 кўрсаткичи 1/29 кўрсаткичига ўзгарган ва ҳар 29 ўқувчига биттадан компьютер тўғри келган.

"2008-2012 йилларда Озарбайжон Республикасида таълимни ахборотлаштириш бўйича давлат дастури" доирасида олиб борилган ишлар натижаси янада салмоқли бўлди. Бугун мамлакатда ҳар 20 нафар ўқувчига биттадан компьютер тўғри келади.



Япония элчихоналари хакерлар нишонида



Кейинги пайтларда Япониянинг дунёдаги камида тўққизта элчихонаси хакерларнинг жиддий ҳужумига дуч келган, натижада давлатга тааллуқли махфий маълумотларга зиён етган.

Айни дамда Япониянинг турли давлатлардаги, жумладан, Франция, Нидерландия, Мянма, АҚШ, Канада, Хитой, Корея Республикасидаги дипломатик ваколатхоналарининг компютерлари троян вируслари билан зарарланган.

Авалроқ хакерлар Япония мудофаа вазирлигининг энг йирик пудратчиси бўлган Mitsubishi Heavy Industries компютер тизимини ишдан чиқаришга эди. Саксондан ортиқ сервер ва компютерлар 50дан ортиқ вируслар билан зарарланганди. Айтишларича, хакерлар шу йўл билан ҳарбий соҳадаги ишланмалар, шунингдек, атом станциялари ҳақидаги маълумотларни йўқ қилишга уринишган.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Реклама ва эълонлар

"АУКЦИОН" САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, "Мустақиллик" кўчаси, 10-уй (4-қават)да бўлиб ўтади.

I. ДАТ "Асака банки" Бухоро шаҳар филиали билан ҳамкорликда 2011 йил 06 декабр куни соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига банк ҳисобидаги 2004 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз Matiz русумли давлат рақами 80/ 604 LAА бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

Бошланғич баҳоси 3 000 000 (Уч миллион) сўм.

II. "Бухородонмаҳсулотлари" очик акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда 2011 йил 06 декабр куни соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига жамият ҳисобидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати соз ГАЗ-31029 русумли давлат рақами 80/ 977 FAA бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

Бошланғич баҳоси 1 600 000 (Бир миллион олти юз минг) сўм.

III. Жондор тумани "Зарафшон обод ўлка" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда 2011 йил 06 декабр куни соат 12-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига жамият ҳисобидаги 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз ММЗ-45021 русумли давлат рақами 80/ 327 САА бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

Бошланғич баҳоси 1 100 000 (Бир миллион бир юз минг) сўм.

IV. Давлат фелдъегарлик хизмати Бухоро вилояти бўлинмаси билан ҳамкорликда 2011 йил 06 де-

кабр куни соат 12-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига бўлинма ҳисобидаги 2003 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз NEXIA DAEWOO русумли давлат рақами 80/ 526 AAA бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

Бошланғич баҳоси 4 000 000 (Тўрт миллион) сўм.

V. Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 17 январдаги 20-1002/15680-ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Бухоро шаҳридаги "Азал Дур Буюк" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда 2011 йил 06 декабр куни соат 14-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига жамият тугатиш комиссияси ҳисобидаги 2006 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати соз Nexia русумли давлат рақами 20 АН 035 бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

Бошланғич баҳоси 17 048 684 (Ўн етти миллион қирқ саккиз минг олти юз саксон тўрт) сўм.

Талабгорлар диққатига!

"АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МСНҲга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;
- Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

- "Аукцион ташкилотчиси"нинг реkvизитлари: СТИР: 301480431, МФО: 00120 ДАТ "Асака банки" Бухоро шаҳар филиалидаги 20208000504828225001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи (ун фоиз) миқдоридидаги гаров пуллари тўланганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

- Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати: Жисмоний шахслар учун: — фуқаролик паспортининг нусхаси;

- Юридик шахслар учун: — давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

- Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибдаги ишончноманинг асл нусхаси.

"АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабарнома (реклама ва эълонлар)нинг газетода чоп этилган кунидан бошлаб ҳафтанинг ҳар куни (байрам ва яқшанба кунларидан ташқари) соат 9-00 дан 18-00га қадар қабул қилинади.

Закалат пуллари ва киритилиши "АУКЦИОН" савдолари бошланишидан бир соат олдин, буюртманомаларни қабул қилиш "АУКЦИОН" савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин тўхтатилади.

"АУКЦИОН" савдоларига чиқарилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизни қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: "Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти. Манзил: Бухоро шаҳри "Мустақиллик" кўчаси, 10-уй.

Хизматлар лицензияланган.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ

жамоаси

Жаннатмонанд юртимиз мўмину
муслмонларини муборак айём —
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билан табриклайди.



Барчангизга байрам муборак бўлсин.
Хонадонингиздан қут-барака,
меҳр-оқибат аримасин.
Қалбингиз имон нурлари билан тўлсин!


 “O‘ZBEKTELEKOM” АК

**“ТОШКЕНТ ШАҲАР
ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни
ҚУРБОН ҲАЙИТИ — ИЙД АЛ-АДҲА
билан қутлайди.



Аллоҳ таоло юртимизга осойишталик,
халқимизга тан-сиҳатлик, хонадонларимизга
файзу барака ато этсин!

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Она Ватанимиз аҳлини
яқинлашаётган улуг айём —
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билан сидқидилдан қутлайди.

Азизлар!
Ушбу умидбахш кунда барчангизга
сиҳат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик, хонадонларингизга
файзу барака тилаймиз!

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

“SHAROF VA DIYORA” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003486 рақамли;

“TOSHKENT TAKSOFONI” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003522 рақамли;

“ИМКОН САВДО ПЛЮС” хусусий корхонасининг (Андижон ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003545 рақамли;

“GOLD NET” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003605 рақамли;

“NEW SKY TECHNOLOGY” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003629 рақамли;

“VOLT EXPRESS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003647 рақамли;

“SCRIPTNET” масъулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003684 рақамли;

“BAHUS INTER STAR” хусусий корхонасининг (Андижон вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003724 рақамли;

“DANADI SERVICE COMMUNICATIONS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003742 рақамли лицензиялар 2011 йил 26 октябрдан бекор қилинди.

Селектор йиғилиши

Шу йилнинг 1 ноябр куни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва унинг вилоят филиаллари, туман, шаҳар почта алоқаси тармоқлари раҳбарлари ва мутахассис ходимлари иштирокида селектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда аҳолига пенсия маблағларининг етказиб берилиши, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларига оид ўқув юртлири битирувчиларининг иш билан таъминланиши, туман, шаҳар почта алоқаси тармоқларида кузги-қишқи мавсумга тайёргарликнинг бориши, филиаллар қoшида ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятларда қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, деҳқончилик ишларининг бугунги аҳоли ва самарадорлиги юзасидан мутахассислар ҳамда раҳбар ходимларнинг ҳисоботлари тингланди.

Селектор йиғилишини "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов олиб борди. Кун тартибидagi ҳар бир масала юзасидан хулосалар чиқарилиб, филиаллар раҳбарлари ва мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизмати

Ҳамкорликнинг уфқи кенг

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетда "Инновация-2011" анъанавий XVI халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Корея Республикаси, Россия, Украина, Қозоғистон, Беларус ва республикамиз вакилларининг 200га яқин маъруза ва бошқа илмий ишлари тақдим этилди. Шулардан 175таси "Ёшлар ва таълим муаммолари", "Иқтисод соҳаларидаги инновацион жараёнлар", "Ёнилги-энергетика, минерал хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларининг ечими учун инновацион усуллар ва технологиялар" ва бошқа йўналишлар, ҳаммаси бўлиб 8та шўбада муҳокамага қўйилди.

"Учиш аппаратлари геометриясини лойиҳалашда бирлашган лойиҳалаш тизимлари учун интеллигент (intelligent) ечимлар" мавзусида маъруза билан чиққан Корея Республикаси Сеул шаҳридаги Конкук университети тадқиқотчиси Абдулазиз Азаматовни Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган кейинги вақтлардаги фаолияти юзасидан суҳбатта тортиди. Жумладан, у шундай деди: "Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб "CAD-CAM" (Компютер ёрдамида лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш) маркази очилди. Ва бу соҳанинг ривожланиши учун муҳим ишларни Турин политехника университетининг Тошкент филиалида амалга оширяпмиз. Ушбу янги йўналиш бўйича шу университетда ўқув курслари ташкил этилди. Бундан ташқари, ўзбек тилида мазкур йўналиш бўйича дарслик тайёрланмоқда. Корхоналар учун интеллектуал хизматлар бажарилмоқда. Мақсадимиз мустақил юрт саноатининг раванқига ҳисса қўшиш, шу йўналишда малакали кадрларни етиштириш ва бундай инновацион марказларни Ўзбекистонда кўпайтириш".

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Бошқариш маҳорати

Жўшқин матбуот тарқатиш ташкилотиде ишлаш бу маҳорат мактабини ўташ, дегани бўлса керак. Чунки, бу ернинг талаби ҳозиржавобликни, масъулиятни, чидам ва саботни талаб қилади. Одамларга беминнат хизмат қилиш, ҳурматини қозониш, бу осон эмас, албатта.

Биз яқинда Наманган вилояти "Матбуот тарқатувчи" ШКда бўлиб, режа ва ижро ишлари билан яқиндан танишидик ва поғонама-поғона кўтарилишнинг ёрқин намунасини кўрдик.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида корхона фақат нашрлар савдоси билан шугулланган. Энди эса вилоят аҳолиси ва ташкилотлардан нашрларга обуна қабул қилинмоқда ва етказиб берилмоқда. Корхонада 2011 йил учун 825 миллион сўмлик обуна расмийлаштирилди. Киоскаларни одамлар гавжум жойларга ўрнатиш, яхши кадрларни танлаш борасида янги имкониятлар қидириляпти. "Матбуот тарқатувчи" АКдан иккита давр талабига мос киоска олиб келиниб, Давлатобод даҳаси Яшил бозор атрофига ва Наманган Давлат университети рўпарасига ўрнатилди ва битта янги услубдаги алкафонли киоска қурилиб, фойдаланишга топширилди. Илгарилари корхонада компютер орзу бўлган. Ҳозир идора ва туманларда 14та компютер мавжуд.

Бундан ташқари, ЎзААА томонидан шўба корхонага бириктирилган Ёрқўрғон иқтисодиёт ва компютер технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиларидан 11 нафари 60000 сўмдан рағбатлангилди. Шаҳардаги Нодира номидаги ахборот-кутубхона маркази, Ёрқўрғон иқтисодиёт колле-

жи худудларига 500 туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Агентлик фармойишларини бажариш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. 20 сотих ерда деҳқончилик қилинди. Олинган маҳсулотлар ходимларга бепул тарқатилди. "2011-2014 йилларда вақтли матбуот нашрларини тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш Дастури"ни бажариш бўйича 11 туманга компютерлар олиб берилди. Стол-стулар, шкаф олиниб, корхонада маънавият хонаси ташкил этилди ва жиҳозланди. Туманларда ҳам шу соҳада кўп ишлар қилинди. Обуначиларга тезкор хизмат қилиш назарда тутилиб, битта янги "Дамас" машинаси сотиб олинди.

— Хайрли ишларнинг ниҳояси йўқ, — дея ҳикоя қилади "Матбуот тарқатувчи" ШК директори Холисон Мамадалиева. — Жамоамиз ниҳоятда иноқ ва ҳозиржавоб кишилардир.

Опанинг гапида жон бор. Киоскачилар белни маҳкам боғлашган. Мусахон Абдурахмонов, Зокиржон Усмонов, Отабек Султонов, Камол Сайфидинов, Баҳодир Ҳасанов каби фидойи киоскачилар Чорсу ва Яшил бозор худудларида ишлашяпти. Режалар мунтазам бажарилиб келинмоқда.

Корхонанинг ўзида ҳам тинимсиз меҳнат авжида. Бош мутахассис Соҳибжон Усмонов, бош ҳисобчи Хайрулло Боқиев, обунани аёло даражада ташкил қилаётган Гулчехра Ваҳобова, Собир Иномидинов, Иқбола Тўрабоева, Раъно Инсоповалар Мингбулоқ, Уйчи, Янгигўрғон, Поп туманларидаги ҳозиржавоб киоскачилардир. Хулоса қилиб айтганда, 11 туманда обуна ишлари авж олиб кетган.

...Ташкилотчи Холисон Мамадалиева ва унинг ишчан ходимлари эл орасида чинакам ҳурмат-эътибор топиб, ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бошқариш маҳорати ана шу бўлса керак-да.

Ўзлам ҲАМЛАМ,
журналист

Саодатли умр соҳиби

Мойира Аъзамова асли Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидан. Ўз касбини қадрлайдиган, у билан фахрланадиган бу аёл, ўз навбатида, касби орқали эътибор топанлардан.

— Ёшлигимда ўқитувчи бўлиш орзу қилганим, — дейди қаҳрамонимиз. — Аммо тақдир ва шароит мени муаллимлик сирларини ўрганадиган билим даргоҳига эмас, бошқа касбга боғлади. Фарғона вилоятининг Водал туманидаги аҳолига маийши хизмат кўрсатиш техникумида ўқидим. Техникумни тугатиб ўз қишлоғимга қайтгач эса, Шофиркон туманидаги "Селхозтехника" идорасида ҳисобчи бўлиб иш бошладим. Турмушта чиқдим, оила бекаси бўлдим. Насибамиз Навоий вилоятида экан, иккинчи фарзандим туғилганидан сўнг янги ташкил этилган вилоятга кўчиб келдик.

Дарҳақиқат, Мойира Аъзамова 1982 йилдан буён Навоий шаҳрида истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи Шодмон Давронов билан Навоийга келиб кам бўлмади. Фарзандлар тарбияси, янги жойга ўрганиш, иш топиш муаммолари Мойирахонни асло җўшқин қилди. Дастлаб шаҳардан

четроқда жойлашган Тинчлик кўрғонидеги матбуот дўкониде иш бошлади. Кейинчалик "Ўзбекистон" кинотеатри ёнидаги матбуот дўкони мудири бўлди. 1998 йилдан буён шаҳарнинг энг гавжум жойи "Гулистон" бозори ёнидаги чорраҳада жойлашган дўконда чеҳраси очик, сўзлари самимий ана шу аёл минглаб одамларга, ёшу кексага фақат газета-журнал эмас, самимиёт ва меҳр улашиб келади.

— Мойира опа энг ҳурматли матбуот дўкони мудараларидан бири — дейди Навоий вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси раҳбари Шаҳриёр Рустамов. — У нафақат газета-журналларни сотиш, балки обуна мавсумида обунани расмийлаштириш ишларида ҳам ҳамisha жонкуяр ва фаол ходимларимиздан. Мактаблар, яқна тадбиркорлар, фуқаролар, мактабгача тарбия муассасалари, талабалар обуна жараёнида бир неча йилдан

буён ишончли ҳамкор бўлганлиги сабабли М.Аъзамова билан бирга ишлайди. Бу эса корхонамиз ва бизнинг катта ютуғимиз.

Ҳа, бундай ишончга М.Аъзамова кундалик матбуот нашрларини қишининг қорли, ёзнинг жазирама кунларида ҳам беуқсон ва ўз вақтида етказишни таъминлагани учун эришган албатта.

Қаҳрамонимиз оқмола оила бекаси, бахтиёр она, жамоада камтарин ва иззатли инсон. Тўрт нафар фарзандни вояга етказган, билимли, элга муносиб, жамиятга керакли инсон қилиб тарбиялаган бу оила нафақат шаҳарда, балки вилоятда ҳам ҳурмат-эътибор топан.

— Ўғлим Шерматжон Навоий Давлат педагогика институтини тугатиб, ҳозир ёнгин хавфсизлигини сақлаш идорасида ишлаяпти, — дейди қаҳрамонимиз. — Кичик ўғлим Шералижон касб-хунар коллежини тугатиб, Навоий кон-металлургия комбинати тизимида меҳнат қияпти. Ушталмаган орзуларимни қизим Шоҳидахон рўёбга чиқарди. Унинг шаҳардаги 16-умумтаълим мактабиде ўқитувчилик қияптгани билан мен ҳам фахрланаман. Шухратжон ўғлим

➔ NISHONDORLARIMIZ

Навоий Давлат педагогика институтининг тарих факултети талабаси. Яна бир бахтим — олти нафар ширин-шакор неваралар қуршовидаман. Ишдан сўнг хотиржам оила даврасида ўтиришининг ўзгача гаши бор. Тинчлик ва хотиржамлик учун минг бора шукр қиламан. Кун билан бўлган суҳбатлар, газеталардан ўқиган янгиликлар ҳақида уйдагиларни хабардор қилиш ҳам менинг зиммамда.

Ўтаётган ҳар кундан миннатдор бу аёлнинг истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланган қўлуғ кунларда қувончига қувонч қўшилди. М.Аъзамованин кўп йиллик ҳалол хизматлари муносиб тақдирланди. Унга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбини устаси" нишони берилди. Ва бу эътибор унга қанот бўлди, янги меҳнат қувончларини бахш этди.

Меҳнатидан бахт топан қаҳрамонимизга доимо шундай замонамиз қаҳрамони, саодатли умр соҳиби бўлиб қолишини тилаймиз.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

Ахборот асри ёшлари

Косон компютер технологиялари коллежи давр билан ҳамнафас қадам ташлаётган ўқув муассасаларидан бири. Бу ерда бўлган киши Юртбошимизнинг 2005 йил 2 июндаги "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини ўз ичрасини топаётганлигининг шохиди бўлади.

Вилоятимиздаги ахборот ва компютер технологиялари коллежлари Ўзбекистон-Германия давлатлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари доирасида имзоланган шартнома асосида иш олиб боради. Коллежлардаги лаборатория хоналари ҳамда компютерларга техник хизмат кўрсатиш устаноналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Бугунги кунда коллежда 113 нафар ўқитувчи 1544 нафардан ортиқ ўғил-қизга сабоқ бериб келади. Ахборот-ресурс марказида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, адабиётлар етарли. Зарур жиҳозлар билан таъминланган компютер хонаси, биология, кимё, лингафон, физика хоналари таълим сифатини оширишда қўл келмоқда. Спорт зали, ётоқхона талабалар ўқув ихтиёрида. Коллежни тамомлаган ўғил-қизлар соҳавий йўналишлари бўйича ишга жойлаштирилиши ёки таълимни давом эттиришлари учун имкониятлардан фойдаланадилар. Албатта, бу боралда таълим даргоҳи "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг Косон телекоммуникациялар боғламаси, ТАТУ Қарши филиали, Муборак газни қайта ишлаш заводи, банк-молия муассасалари, туман халқ таълими бўлими, Оброн, Бойғунди, Дўстлик ММТП ва бошқа муассасалар билан ўқувчиларнинг амалиёт ўташлари юзасидан шартномалар имзоланган.


— Коллежимизда турли тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Розия Шамиева. — Бу эса коллежимизда нафақат компютер технологиялари, балки бошқа соҳаларга ҳам эътибор юқорилигини кўрсатади. Яна шуниси эътиборлики, битирувчиларимизнинг ишга жойлаштирилиши осон кечади. Чунки биз тайёрлаётган мутахассисларга талаб ҳамisha бор.

Назира Жалилова, Собир Бобожонов, Бекзод Бегимов, Юнус Султонов, Раъно Бобоқулова, Феруза Шамиева, Мафтуна Боймуродова, Гани Исломов, Раъно Курбонова сингари педагоглар ёшларга фанлар ҳамда соҳавий мутахассисликдан сабоқ бериб, кўпчилик орасида эътибор қозonganлардан бўлса, Шахбоз Тоҳиров, Сардор Назаров, Феруза Турсунова, Шахноза Нормунинова, Сарвар Раҳимбердиев, Шохрух Дўстқулов, Миржалол Минглиев, Насиба Абдуллаева, Аброр Шодиев сингари ўқувчилар нафақат таълим олишда, балки жамоат ишларида фаол қатнашувчилари билан ажралиб туради.

Бугунги кун учун ахборот технологиялари долзарб аҳамият касб этади. Қайси жабҳани олиб қараманг, улар фаолиятини компютер технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшларимиз техника сирларини мукамал ўрганиб, ўзларининг қобилиятларини ҳаётга татбиқ этаётир.

А.ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Сақланадиган фондининг ҳажми бўйича дунёдаги энг йирик кутубхона бу — Вашингтон шаҳрида жойлашган АҚШ Конгресси кутубхонаси (The Library of Congress)дир. Бу билим ва маданият марказида 144 562 233 ҳужжат (буларнинг 33 515 702таси китоблар ва босма нашрлар) сақланади. Кутубхона Конгресснинг илмий кутубхонаси саналади ва ҳукумат органлари, тадқиқот институтлари, хусусий фирмалар, саноат корхонаси, мактаблар ва илмий ходимларга хизмат кўрсатади.



АҚШ Конгресси кутубхонаси: Рекордлар китобида пешқадам марказ

Бизнинг тасаввуримиздаги, умуман олганда, кўпга оммавий кутубхоналарда битта ўқув зали бўлади. Кутубхонанинг ҳажмига қараб, машғулот ва мурола мақсадларида фойдаланадиган бу сокин хоналар ўртача ёки каттароқ — бир неча юз кишига мўлжалланган бўлиши мумкин. Конгресс кутубхонасида эса бу каби ўқув залларидан 18тасидан фойдаланилади ва улар ўзида 1460 кишини сиғдира олади.

Конгресс кутубхонасига 1800 йилнинг 24 апрелида — президент Жон Адамс ҳукуматни Филадельфиядан янги пойтахт — Вашингтонга кўчиришни назарда тутувчи қарорга имзо чеккан кунда асос солинган. Уша вақтда Қонун чиқарувчи палата "Конгрессда бевосита фойдаланиш учун керакли китобларни сотиб олишга" 5000 АҚШ доллари ажратди. Лондондан буюртма асосида келтирилган 740 китоб ва 30 карт коллекциялар янги Капитолийга жойлаштирилади. Коллекцияларнинг катта қисми ҳуқуқий мазмундаги китоблар бўлиб, улардан Конгресс қонуналарини ишлаб чиқаришда фойдаланилган.

Томас Жефферсоннинг 1802 йил 26 январидан Конгресс кутубхонаси структурасини ташкил этувчи биринчи қонунга имзо чекиши кутубхонани шакллантиришда катта рол ўйнади. Мазкур қонун билан кутубхона ишини мувофиқлаштириш ва кузатиб бориш мақсадида Конгресс ва Кутубхоналар бирлашган қўмитаси кутубхоначиси лавозими сингари Кутубхоналар президенти лавозими тайинланди. 1814 йилнинг августда британ қўшинлари бостириб кириши натижасида Капитолий биноси ва ушбу бинода жойлашган 3000 томли кичкина кутубхона ёндириб юборилади. Бир ой ичида аввалги президент Жефферсон унинг ўрнига ўзининг шахсий кутубхонасини таклиф қилади — у 50 йил давомида жуда кўп турли китоблар, жумладан, фалсафа, фан, адабиёт ва бошқа мавзулардаги китоблар ва хорижий тиллардаги материалларни тўплаган эди. 1815 йилнинг январидан эса Конгресс Жефферсонга тегишли 6487та китоб учун 23950 доллар пул маблағи ажратиш борасидаги таклифини қабул қилди.



Уруш давлари кутубхона учун жуда қийин бўлди. 1850-йилларда Смитсон институти кутубхоначиси Коффин Жюветт мазкур институти Америка Қўшма Штатлари Миллий кутубхонасига айлантиришга қаттиқ киришди. Аммо унинг бу ҳаракати институти котиби Жозеф Генрининг қаршилигига учради. Илмий тадқиқот ва публикациялар маркази ҳисобланган институти сақлаб қолишни мақсад қилган Генри Конгресс кутубхонасини миллий кутубхонага айлантириш таклифи билан чиқди. 1854 йилнинг июлида Генри Жюветтти ишдан бўшатганидан сўнг Смитсон институти миллий кутубхонага айлантириш борасидаги уринишлар барҳам топди ва 1866 йили Генри Смитсон кутубхонасидан қирқ минг том китобни Конгресс кутубхонасига топширди. 1851 йилнинг 24 декабрида Конгресс кутубхонасида кутубхона тарихидаги энг катта ёнгин содир бўлди. Оқибатда 35 минг китоб — кутубхона коллекциясининг учдан икки қисми ёниб кетди. Конгресс йўқотилган китоблар ўрнини тўлдирish учун кутубхонага 168700 доллар сармоя ажратди. Абрахам Линколннинг 1861 йилдаги Жон Стифенсонни Конгресс кутубхоначиси кутубхоначилигига тайинлаш борасидаги сиёсий мақсади кутубхонани янада заифлаштириб қўйди: чунки Стифенсон кутубхоначилик ишидан анча йироқ эди. Америкада фуқаролар уруши тугаган вақтда Конгресс кутубхонасида сак-

сон минг том коллекцияга хизмат қилувчи атиги етти нафар ходим бор эди холос.

Конгресс кутубхонаси XIX асрнинг сўнги ярмида — Эйнсворт Рэнд Споффорд кутубхоначилиги қилган 1865-1897 йиллар давомида ўз макomini мустаҳкамлаб олди. Федерал ҳукуматнинг бутунлай кенгайиши ва сиёсатдаги ижобий муҳит туфайли Споффорд кутубхонани АҚШ Миллий кутубхонаси ва мамлакат қонун чиқарувчи ресурс сифатида икки партиявий кўлаб-қувватлашни жорий этди, ҳар тарафлама Америка адабиётини жамлашни бошлади ва кутубхона учун янги бино қуришга ҳукуматни кўндира олди, шунингдек, кутубхоначи лавозимини АҚШ Конгресси ҳузуридаги лавозим тарзида қайта номлашга эришди.

1865-1870 йиллар мобайнида Конгресс Томас Жефферсон Биноси қурилиши учун фонд ажратди, барча муаллифлик ҳуқуқи рўйхати ва депозитлар ҳаракати кутубхона назорати остига олинди ва кутубхонанинг халқро китоб алмашинуви тикланди. Бундан ташқари, кутубхона Смитсон институти ҳамда тарихчи Питер Форс кутубхоналарини қўшиб олгач, ўзининг илмий ва Америка адабиёти коллекцияларини сезиларли ошириб олди.

1876 йилга келиб, 300 000 томга эга бўлган Конгресс кутубхонаси мамлакатдаги энг катта кутубхона даражасига кўтарилди. 1897 йилда — кутубхона Капитолий биносидан ўзининг янги штабига келганида, унинг коллекцияси 840 000дан ортиқ томни ташкил этарди. Шундай қилиб, Конгресс кутубхонаси ҳақиқий миллий кутубхона сифатида тан олинди. Сенаторлар Вермонт Жастин Морилла ва Индиан Дониел Вурхис ёрдами билан Конгресс кутубхонаси штати 42 нафардан 108 нафар кишига оширилди ҳамда коллекциялари барча аспекти учун янги маъмурий бирлик ўрнатилди. Шунингдек, Конгресс кутубхонани бошқариш ва штатларни тайинлаш мақсадида кутубхоначи офисини кенгайтди.

(Давоми бор.)

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ
тайёрлади

Дзюдо

**АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ —
ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!**

Россиянинг Тюмен шаҳрида дзюдо бўйича мутлақ вази тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.



Пекин Олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев 27 нафар энг кучли полвонлар иштирокида ўтказилган эркаклар ўртасидаги беллашуларда украиналик Кирилл Белецкийни, франциялик Мате Торелни, япониялик Хироки Тачиямани, ярим финалда Жанубий Корёя вакили Ким Сунг Минни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда эса дзюдо бўйича Европа чемпионати совриндори венгриялик Барна Бор устидан соф галабага эришиб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Эштак эшиш

**ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН
МЕДАЛЛАР**

Жанубий Корёяда академик эштак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар бир олтин, уч кумуш ва икки бронза, жами олтин медални қўлга киритди.

Ўсмирларимиз тўртликлар ўртасидаги пойгада Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди. Абубакр Узоқбоев, Зафар Усмонов, Абдурасул Муҳаммадиев ва Эрناзар Ҳамидуллаев тўртлиги шундай юқори натижани қайд этди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси етакчиси Абубакр Узоқбоев яккалик беллашуларида маррага иккинчи келиб, кумуш медалга ҳам эга бўлди. Эрназар Ҳамидуллаев ва Зафар Усмонов икки кишилик қайиқда ўтказилган баҳсларда шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Осиё чемпионатининг катталар ўртасидаги мусобақаларида тажрибали спортчиларимиздан Руслан Наурузалиев ва Вячеслав Дидрих жуфтликлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир кумуш медал яккаликлар пойгасида Артём Кудряшовга насиб этди. Хотин-қизлар мусобақасида Наталя Богитова бронза медал билан кифояланди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Давронжон Ҳалимов номига 16.09.2010 йилда берилган 32207 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ўтағларнинг охириати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ҳамда "Фалсафа" кафедраси профессор-ўқитувчилари "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси Дилфуза Исмоиловага турмуш ўртоғи **Дилмурод ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ходимлари Ургут туман почта алоқаси тармоғининг кўп йиллик собиқ раҳбари **Юсуф ПУЛАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Футбол

**"НАСАФ" —
ОФК КУБОГИ
СОҲИБИ!**

29 октябр куни Қаршидаги "Марказий" стадионда Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. "Насаф" ўз майдонида Кувайтнинг "Кувайт" спорт клубига қарши голиблик учун баҳс олиб борди.

Учрашувдаги дастлабки хавфли вазият 16-дақиқада рўй берди. Артур Геворкян ўнг қанотдан ошириб берган тўпни Иван Бошкович боши билан рақиб дарвозаси томон йўналтирди. Кувайтликларни дарвоза устунни голдан қутқариб қолди.

Навбатдаги таҳдид ҳам Артур Геворкян томонидан бўлди. У ўтқир бурчак остида бўлишига қарамай, тўпни бош билан тўғри дарвозага йўллади. Бу сафар дарвозабон хавфни бартараф этди.

Жамоалар танаффусга голсиз чиқиб кетишти.

Уйининг 62-дақиқасида стадион ларзага келди. Артурнинг аниқ тўп узатишидан сўнг, Илҳом Шомуродов ҳисобни очди — 1:0.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб "Насаф" ҳисобни йириклаштирди. Бу гал ҳам Геворкян тўпни жарима майдонига қулай тарзда етказиб берди ва Переплёткин тўпни чиройли тарзда қувайтликлар дарвозаси тўрига жойлаштириб қўйди — 2:0.

"Кувайт" жамоаси ҳам финалга қадар бежиз етиб келмаганини исботлашга ҳаракат қилди. Борис Каби 68 дақиқада Муроджон Зухуров қуриқлаётган дарвозани иш-гол этди.



Учрашувнинг қолган дақиқаларида икки томон ҳам ҳарчанд ҳаракат қилмасин, ҳисобни ўзгартира оlishмади.

Шундай қилиб, "Насаф" жамоаси ўзбек футболда янги саҳифа очди. Жамоаларимиз ичида биринчи бўлиб айнан улар ОФК кубоги голиби, деган шарафли номга сазовор бўлди!

"НАСАФ" (Ўзбекистон) — "КУВАЙТ" СК (Кувайт) — 2:1 (0:0).

Голлар: Илҳом Шомуродов 62, Андрей Переплёткин 65 - Борис Ландри Каби 68.

Голиб жамоага ОФК кубоги билан биргаликда 350000 АҚШ доллари миқдоридagi мукофот ҳам топширилди.

Шунингдек, "Насаф" сардори Ботир Қороев турнирнинг энг яхши футболчиси, Артур Геворкян финалнинг энг яхши уйинчиси, Иван Бошкович эса турнир тўпура-ри сифатида тақдирланди.

ПОКИСТОН (U-19) — ЎЗБЕКИСТОН (U-19) — 0:3

Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш босқичи доирасидаги "С" гуруҳи уйинлари Покистон ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги баҳс билан старт олди.

Учрашувнинг бошланғич дақиқаларида тўп асосан майдон марказида ушланиб турган бўлса, 6-дақиқадан бошлаб устунлик аста-секинлик билан Аҳмаджон Мусаев шоғирлари томон ўта бошлади. Натияжада, 8-дақиқада уйиндаги биринчи хавфли вазият Покистон терма жамоаси дарвозаси олдида юзага келди. Ўзбекистон терма жамоаси сардори Владимир Козак, дарвозадан унча узоқ бўлмаган масофадан тўпни рақиб зарба бера олди, аммо рақиб посбони Сақиб Ханиф ушбу зарбани қайтаришга эришти.

Майдондаги устунлик Ўзбекистон терма жамоасига 24-дақиқада самара келтирди. Жалолиддин Ма-шарипов қанотдан тўпни Аббосбек Махсталиев томон аниқ узатиб берди, ўз навбатида, Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг қаҳрамонларидан бири қулай вазиятдан унумли фойдаланди — 1:0.

Киритилган голдан уч дақиқа ўтгач, Козак - Махсталиев жуфтлиги рақиб ҳимоячиларини шотириб қўйди. Тўпни қабул қилиб олган жамоа сардори, жула аниқ ва чиройли тўп узатиш билан Махсталиевни дарвозабон билан бирга бир вазиятга чиқарди ва Аббос яна ўзини кўрсатди — 2:0.



Орадан кўп ўтмай, аниқ-роғи 35-дақиқада, Аббосбек Махсталиев учрашувдаги хет-трикни нишонлади. Ма-шариповдан аниқ пас олган Аббосбек, ҳисобни йирик кўринишга олиб келди — 3:0.

Иккинчи бўлим, биринчидан деярли фарқ қилмади. Тўп яна асосан Покистон терма жамоаси майдони ярмида бўлди. Аммо, қулай вазиятлар бу сафар голга айланмай қолди ва натижада уйин охиригача ҳисоб ўзгармади.

ПОКИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН — 0:3

Голлар: Аббосбек Махсталиев, 24, 27, 35

ТЕРМА ЖАМОАДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Валдим Абрамов КХДР ва Тожикистонга қарши кечадагидан учрашуларда майдонга тушиши мумкин булган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Унинг рўйхатидан жами 26 нафар уйинчи жой олди. Эътиборлиси, Абрамов бу сафар ҳам янги футболчиларни синаб кўришга қарор қилди. Наманганнинг "Навбахор" клуби ҳимоячиси Виталий Почуев ҳамда Гузюрнинг "Шўртан" клуби ярим ҳимоячиси Александр Мерзляков шулар жумласидан. Бундан ташқари, узоқ мuddатли даволанишлардан кейин "Бунёдкор" ҳимоячиси Саҳоб Жўраев яна терма жамоага таклиф этилди. У охириги маротаба шу йилнинг январ ойида Қатарда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида терма жамоа ихтиёрида бўлганди.

Эслайтиб ўтамиз, миллий терма жамоа аъзолари 5 ноябрдан бошлаб Тошкентда тўпланишда ҳамда 11 ва 15 ноябр кунлари КХДР ва Тожикистон терма жамоалари билан бўладиган уйинларга тайёргарлик кўришди.

Ривоят қилишларича, соҳибқирон Амир Темур бирор мамлакатга ҳужум қилиш олдида, албатта, ўша мамлакатга чопар юбориб, ўз шартларини қўяр ва сулҳ тузишни таклиф қилар экан. Бу гал ҳам шундай бўлибди. Дилига шум ниятни тугиб олган подшоҳ музокара учун яқин атрофдаги қўл бўйида учрашишни таклиф қилибди.

Соҳибқирон ҳар доимги одати-га кўра учрашув жойига мулозимлари, лашкарлари, хос соқчилари билан айтилган вақтдан анча олдин етиб келибди. Лекин бу ердаги вазият бобомизга умуман ёқмабди. Сабаби, қўлдаги қурбақаларнинг қуруллаши шу даражада авж олган эканки, бу ерда ҳатто бақириб гапирилса ҳам ҳеч ким эшитмас экан. Бундан ғазабланган соҳибқирон учрашув

жойини ўзгартиришга қарор қилибди ва фикрини бошқаларга айтибди. Барча рози бўлгани ҳолда биргина мулозим — Ҳасан ўз фикрини баён этишга изн сўрабди.

— Улур амирим! — дебди мулозим.
— Рақиб давлат подшоҳи сизни ноқулай вазиятга солиш учун атайин шу ерни танлаган. Учрашув жойини ўзгартирмаслигингни сўрайман. Вазиятдан чиқишнинг йўлини топиб қўйдим. Сиздан фақат музокара бошланиши олдида қўлга қараб қўлингизни юқорига кўтариб, туширишингиз

талаб этилади, холос. Шу пайтда қурбақалар товуши ўчади, иншо-аллоҳ.

Орадан вақт ўтиб, рақиб подшоҳ аскарлари ва мулозимлари билан етиб келибди. Бу

МУЛОЗИМИНИНГ ТАДБИРИ

RIVOYAT

аҳволда музокара олиб бо-ришнинг иложи йўқли-гини олдин-дан билгани учун

Амир Темурга кулимсираб қараб, унинг ҳолатини зимдан кузата бошлабди. Қурбақаларнинг товуши тобора авжга чиқар, соҳибқирон чеҳрасида ҳадиксираш ҳам, ғазаб аломати ҳам йўқ бўлиб, сокин ва хотиржам турар экан.

Шу пайт барча учун қутилмаган ҳолат юз берибди. Соҳибқирон ҳамманинг кўзи олдида қўл томонга қараб, ўнг қўлини кўтариб туширибди ва шу заҳоти қурбақалар товуши ўчиб, ҳаммаёқ сув куйгандай жим-жит бўлиб қолибди. Подшоҳ ва унинг соқчилари ҳайратдан ёқа ушлашибди.

Соҳибқироннинг мулозими Ҳасан эса оддий ҳўйлани ишга солган эди. Маълумки, соҳибқироннинг лашкарлари учун ҳар куни ўнлаб қорамол сўйилган. Ҳасан эса мол ичкаларини ярим метр узунликда кестириб, аскарларга тарқатади ва соҳибқирон ишорасидан сўнг сувга ташлашни буюради. Ичкаларни илон деб қабул қилган қурбақалар эса сув тубига шўнги-ганича қайтиб чиқишмайди.

Ўз мулозимининг топқирлиги-га қўйил қолган соҳибқирон ушбу қўлга Ҳасанқўл деб ном беради.

OBUNA-2012
“Хабар” ГАЗЕТАСИГА
КИМ ҚАНЧА ОБУНА БЎЛДИ?
2012 йил учун расмийлаштирилаётган
обуна бўйича 2011 йил 28 октябргача бўлган

Маълумот*

Фарғона	Тар 1478
Қорақалпоғистон Рес.	— 487
Самарқанд	353
Наманган	332
Қашқадарё	253
Андижон	227
Навоий	39
Тошкент шаҳри	37
Тошкент	33
Сурхондарё	32
Бухоро	23
Хоразм	11
Жиззах	5
Сирдарё	2
Жами:	3312

*Маълумот “Матбуот тарқатувчи” АК томонидан тақдим этилди.

SHIFOKOR MASLAHATI
ТИШ ВА БУЙРАК:
УЛАРНИНГ
ЎЗАРО ТАЪСИРИ
НИМАДА?

— Кейинги пайтда буйрагим тез-тез безовта қил-диган бўлиб қолди. Шифокорга учрасам аввал тишларингизни даволатишингиз керак деди. Тиш ва буйрак ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Нигора АҲМЕДОВА
Фарғона вилояти

Мухлисимизнинг ушбу саволига шифокор Ғайрат-жон Мухатов қуйидагича жавоб берди:
— Бу ўринда шифокорнинг фикри тўғри. Ҳақиқатан ҳам, буйрак касаллиги бошқа аъзоларга кўп жиҳатдан боғ-лик, айниқса, тиш ва бодомсимон безлар ялиғланишига. Тишлар ўз вақтида даволанмаса, касал тиш организмга инфекция киритадиган манба ва турли сурункали касал-ликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бодомсимон безлардаги ялиғланиш ўчоқлари ҳам буйрак хасталигига олиб келиши ҳолатлари кузати-ган. Сабаби, инфекция кўзгатувчилари қон оқимида кўши-либ бутун тана бўйлаб тарқалиши оқибатида кўпгина ички аъзолар, жумладан, буйрак ҳам зарарланиши мумкин. Шунингдек, ангина асоратлари ҳам хавфли ҳолатлар, яъни пиелонефрит, эндокардит, гломерулонефрит сингари оғир хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳар бир инсон ўз тишларига жиддий эътиборда бўлмоғи, касалланган тишларни вақтида да-волатмоғи лозим.

Шу сонга телеграмма

“UNICON.UZ” ДУК 2012 йил учун “Хабар” газетасига жами 125 дона йиллик обуна бўлди.

“UNICON.UZ” ДУК маъмурияти

Табрик.лав.уз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси ҳамда касаба уюмиси кўмитаси филиал директори ўринбосари, ПХХ инспектори Ориф МАҲМУДОВнинг 50 ёшга тўлиши муноса-бати билан табриклай-ди. Унга сизга сало-матлик, оилавий хотиржамлик тилайди.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона телекоммуникациялар боғламаси ходими **Набижон МАМАЖОНОВ**ни муборак 60 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга мустақам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту иқболлини кўриш-ликни тилайди.

ОБУНА-2012

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор شوҳрўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>																											
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❶ Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Набатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.</p>																											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-1152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 боёма табоқ. Алади: 13074 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>																										
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <table border="1"> <tr> <td>Англистонда</td> <td>Бухорода</td> <td>Гулистонда</td> <td>Жиззахда</td> <td>Навоийда</td> <td>Наманганда</td> <td>Нукусда</td> <td>Самарқандда</td> <td>Термизда</td> <td>Тошкентда</td> <td>Урганча</td> <td>Фарғонада</td> <td>Қаршида</td> </tr> <tr> <td>226-47-80</td> <td>223-27-85</td> <td>40-12-19</td> <td>226-06-34</td> <td>225-91-10</td> <td>226-61-85</td> <td>554-35-45</td> <td>233-61-81</td> <td>224-06-12</td> <td>288-40-66</td> <td>226-37-16</td> <td>224-91-56</td> <td>314-08-99</td> </tr> </table>					Англистонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганча	Фарғонада	Қаршида	226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	226-61-85	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	314-08-99
Англистонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганча	Фарғонада	Қаршида																		
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	226-61-85	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	314-08-99																		